БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 216 (20. 184) • 1988 йил 20 сентябрь • сешанба

Баҳоси 3 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Косон райони чорвадорлари давлатга сут сотиш тўққиз ойлик планни ошириб бажаришди. Қабул пунктларига пландаги 5076 тонна ўрнига 5115 тонна серқаймоқ сут топширилди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 920 тонна кўп.

Райондаги «Партия XXII съезди», Ульянов номли колхозлар, маршал Чуйков номли, Свердлов номли, «Ленинград» совхозлари эса давлатга сут сотиш йиллик планларини ҳам муддатидан илгари бажардилар. Ҳозир улар оширилган мажбурият ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

Айни пайтда район чорвадорлари йиллик сут тайёрлаш топшириғини ўн бир ойда адо этиш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдиришмоқда.

* * *

СУРЪАТ ОШМОҚДА

Қамаши, Муборак ва Яккабоғ районларида белгиланган майдонлар дефолиациядан чиқарилди. Косон ва Қарши районларида ҳам бу муҳим агротехник тадбир ниҳоясига етказилаётир.

Ҳозир область колхоз ва совхозларида қирққа яқин самолёт билан дефолиация амалга ошириляпти. Аҳолизич жойлашган пунктларда ер усти аппаратларидан фойдаланилаётир.

Ғўза барги сифатли тўкгирилган Қамаши районидаги Ленин номли колхоз, «Фарғона», Гагарин номли, Косон районидаги Энгельс номли, «ВЛКСМ XX съезди» совхозларида машиналар учун кенг иш фронти очилгани учун ҳам кунига 2,5—3 процент миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Областда айни кунларда юзлаб терим агрегатлари пайкалларга чиқди. Кунлик суръат тобора ошиб бораётир.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАРАКАТ ДАВРИ, АМАЛИЙ ИШ ДАВРИ

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Красноярскда сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Мен Сибирь диёрига биринчи келишим эмас. Илгари Олтой ўлкасида, Новосибирск областида, йўл-йўлакай Иркутск ва Красноярскда бўлган эдим. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари сифатида Тюмень области билан танишгандим. Назаримда, ўша сафар ҳам зарур, ҳам фойдали бўлган эди. 1986 йилнинг ёзида Узоқ Шарқнинг йирик регионлари — Приморье ва Хабаровск ўлкаларининг меҳнаткашлари турмуши, фаолияти билан танишгандим.

Мана, энди Красноярск ўлкасига сафар қилдим. Диёрингизда бўлган вақтимда ишлаб чиқариш коллективлари ҳузурига бордим, ишчилар билан суҳбатлашдим, Шушенское районида деҳқонлар билан учрашув бўлди. Олимлар ва мутахассислар билан, ўлка, шаҳар ва районларнинг раҳбарлари билан учрашдим. Умуман, бу менга сизларнигина эмас, бутун мамлакатни ҳам, ҳаяжонга солаётган муаммоларни яхшироқ тушуниб олишимга ёрдам беради.



М. С. Горбачевнинг Красноярскда нутқ сўзлаётган пайти.



«Правда» махсус мухбири В. Парадни телефотоси.

Иқтисодий ислоҳотни, сиёсий системанинг ислоҳотини, совет жамияти бутун турмушини демократиялашни чуқурлаштиришга оид муҳим қарорлар қабул этган XIX партия конференциясидан кейин шу қарорларни бажариш юзасидан фаол, амалий иш қилиш вақти келди. Энди биз катта вазифаларни ҳал этиш, жамиятимизни янгилаш, уни совет жамиятининг янги сифатга ўтишини таъминлаш учун янги ҳарларга чиқариш мақсадини кўзлайдиган янги сиёсатга, қайта қуриш сиёсатига эгамиз. Бу — қайта қуриш биринчи босқичининг катта ғалабаси, деб ўйлайман. Қайта қуришнинг бош йўналишлари соҳасида катта-катта қарорларимиз бор.

Бундан буёнги ишни қандай олиб бориш кераклигини яхшироқ тушуниб олиш керак эди. Ҳамма иш осонгина кўчгани йўқ, аммо асосли равишда олиб борилган бу ишда бутун жамият қатнашади. Энди жуда масъулиятли босқич бошланди, сиз билан биз биргаликда ишлаб чиққан режаларни амалга ошириш вақти келди, бу иш келгусида ҳам давом эттирилаверади. Модомики, шундай экан, модомики, қайта қуриш сиёсатимиз амалда рўёбга чиқиш йўлига ўтаётган экан, демак, қайта қуриш ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир меҳнат коллективига, ҳар бир область, республика, ўлкага, мамлакатнинг барча меҳнаткашларига тааллуқлидир. Бу гап сиз, сибирликларга ҳам тааллуқли экани ўз-ўзидан равшан.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати Сибирни ва Узоқ Шарқни ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. Бу нарса, авво, шу регионларнинг ҳозир ўйнаётган роли билан изоҳланади. Бу регионлар давлатимизнинг тақдирида тобора катта аҳамият касб этаверади.

Бу ерда Совет Иттифоқи Осиё қитъасининг давлатлари ва халқлари билан бақамти бўлиб турганлиги ҳам муҳимдир. Бинобарин, ташқи сиёсатимиз нуқтаи назаридан ҳам Сибирь билан Узоқ Шарқ жуда катта аҳамиятга эга.

Сибирь билан Узоқ Шарқни ўзлаштириш умуммиллий вазифамиздир. Ишлаб чиқиб, қабул этган программаларимиз ҳам шу мақсадни кўзлайди. Эҳтимол, бу программаларнинг бирон-бир жиҳати, ҳатто муҳим жиҳати мукаммал эмасдир. Биз буни сезиб турибмиз, олимлар ҳам, хўжалик раҳбарлари ҳам бизга баъзи гапларни айтишди. Қолаверса, бу ердаги, Красноярск диёридаги учрашув ҳамда суҳбатларнинг кўрсатишича, бу ерда кўтарилган муаммоларни эътиборга олиб, мазкур программаларга тузатишлар киритиш керак.

Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бу регионлар мамлакат экономикасига жуда катта ҳисса қўшмоқда. Шуни айтиш кифоя қиладики, мазкур регионлар нефть ва газнинг учдан икки қисмини, кўмирнинг 40 процентидан кўпроғини, электр энергиясининг 20 процентини, ташиб олинаётган иморатбоп ёғочнинг 37 процентини бериб турибди. Бу шундай беқиёс ва ғоят қимматли ресурслардирки, шу ресурслар-сиз жамият яшай олмайди.

Бу ўлканинг ер ва сув ресурслари жуда катта, булар Сибирь ва Узоқ Шарқда 24 миллион тоннадан кўпроқ дон, қарийб икки миллион тонна гўшт, салкам 11 миллион тонна сут етиштирилди, 4,9 миллион тонна балиқ овланди.

Сибирда рангли, асл ва нодир металл конлари кўп, улар миллий бойлигимизнинг анчагина қисмини ташкил этади. Хуллас, мамлакат Сибирь билан Узоқ Шарқ бераётган нарсаларсиз яшай олмайди.

Қилинаётган зўр ва фидокорона иш учун биз сибирликлар билан узоқ шарқликларга, бу ерда яшаб меҳнат қилаётган ҳаммага чуқур миннатдорчилик сўзларини айтишимиз керак. Айни вақтда ўз навбатида бу регионларни ривожлантиришда бутун мамлакат актив қатнашишга улар муҳтож бўлиб турибдилар, деган гап ҳам ҳақдир. Аслида ҳам худди мана шундай, ўртоқлар.

Аммо биз ҳозирги кунларни ва айниқса, бутун мамлакатни ривожлантириш истиқболини ўйлаб, бу регионлар турмушининг тўла манзарасини, ютуқларни ҳам, шунингдек, йиғилиб қолган катта-катта муаммолар, янглишишлар ва ҳатто хатоликларни ҳам кўра билишимиз керак. Бу муаммо, янглишиш ва хатоликлар эса шу жойнинг ўзига хос бўлган, маҳаллий характерга эмас, балки афсуски, стратегик жиҳатга ҳам эгадир. Биз буларни билишимиз, ташқидий идрок этишимиз, келажак учун зарур хулосалар чиқариб олишимиз керак. Буни билиш бизга ҳаётий заруратдир. Тараққиётнинг олисни кўзловчи кенг режалари ишлаб чиқилаётган ҳозирги вақтда айниқса, зарурдир.

Айни мазкур муаммолар шу кунларда бўлиб ўтган ҳамма учрашув ва суҳбатларнинг марказида бўлди. Умуман, олганда Красноярск ўлкасининг, меҳнат коллективларидаги қайта қуриш амалда қандай бораётганлиги ҳақида гаплашиб олинди. Айтишим керакки, ишчи цехларида, илмий муассасаларда, далаларда, шаҳар ва қишлоқларнинг кўчаларида бўлиб ўтган кўпдан-кўп суҳбатларда мен КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматни қизиқтираётган кўпгина масалаларни равшанлаштириб олишга интилдим. Айни вақтда красноярскликлар ҳам менга кўп нарсани айтмоқчи эканликларини, ўлкадаги ишларнинг аҳволи ва қайта қуришнинг бориши ҳусусидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини Марказий Комитет билан ҳукуматга маълум қилмоқчи эканликларини ҳам сезиб олдим.

Хўш, шу муносабат билан нима дейиш мумкин? Ҳозир одамлар қайта қуришнинг мамлакат учун ҳам, умуман социализм учун ҳам бўлган аҳамиятини чуқурроқ тушуна бошладилар. Улар, мен кўпчилик одамларни назарда тутяпман, ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир киши янги вазифаларни ҳал этишга чинакамига киришмас экан, қайта қуриш юришиб кетмаслигини равшан англамоқдалар. Бугунги учрашувимиз бошланган пайтда ўртоқлар сўзлаган нутқларда ҳам шу фикр янграб эшитилганидан мамнунман. Марказий органларнинг, айниқса, министрликлар ва идораларнинг иши ҳақида ҳам, шунингдек, маҳаллий партия, совет, хўжалик органларининг, раҳбар кадрларнинг фаолияти ҳақида ҳам бир талай танқидий мулоҳазалар айтилди. Менинг назаримда, фикрларимиз эшитилади, ишда эътиборга олинади ва ҳал қилинади, деган умид билан астойдил, рўй-рост, зўр иштиёқ билан гапирилди.

Умуман олганда, мен суҳбатларнинг характеридан жуда мамнунман, бу суҳбатлар очиқ-ойдин ва ҳатто ишончли тарзда ўтди. Мен билан учрашган кишиларнинг ҳам, менинг ҳам вақтимиз оз эди, албатта. Шу сабабли одамлар қилинган, қўлга киритилган ҳамма ишлар ҳақида гапирганлари йўқ. Ҳамма: энди булар ўз ютуғимиз бўлиб қолди, шу сабабли эътиборни жалб этиш учун бутун диққатни муаммоларга, ҳал этилмаган масалаларга қаратамиз, деб айтди. Мен буни муносиб баҳоладим.

Сирасини айтсам, красноярскликлар қайта қуришни қабул этганликларини мен рўй-рост, яққол пайқаб олдим. Менинг хулосам тўғрими? (Овозлар: Тўғри).

Бу ерда, бепоён Красноярск ўлкасининг бутун территориясида қайта қуриш ўзига йўл очиб бормоқда. У қадамба-қадам меҳнат коллективларининг, оилалар, шаҳарлар, қишлоқлар, районларнинг турмушига сингиб бормоқда. Энг муҳими мана шу ўртоқлар.

Бироқ бошқа бир жиҳат ҳам муҳим: красноярскликлар қайта қуришнинг боришидан, ҳамма нарса ҳам кўнгилдагидек бўлиб чиқмаётганидан ташвишланмоқдалар. Ҳамма муаммоларни тезроқ ҳал этиш истаги борлиги тушунарлидир. Бу ерда ҳам сизлар тўғри айтдингиз, қабул қилинаётган қарорларни бажариш керак. Бу мавзуда жуда кўп ва ўткир гаплар айтилди. Масъулиятни ошириш керак, деган фикрни таъкидлашни ҳамма зарур деб ҳисоблади. Масъулият бир мунча бўшашган кўринади. Бу гап раҳбар кадрларгагина эмас, меҳнат коллективларига — ҳаммага ҳам тааллуқлидир. Интизом ва тартибни мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида ҳам гапирилди.

Ўртоқлар, уюшқоқлик, масъулият бўлмаса, тартиб бўлмаса, қайта қуриш юришмаслиги ҳақида гапирибўтдим ва яна бир бор гапирмоқчиман, модомики қайта қуриш турмушнинг ҳамма соҳаларини қамраб олаётган ва шу соҳалардаги чуқур ўзгартишлар билан боғлиқ экан, у фақат ўзгартишлар зарурлигини англашга, бирбирига талабчанликни оширишга асосланган масъулият ва талабчанликни мустаҳкамлаш шароитидагина рўёбга чиқиши мумкин.

Хўш, менинг кўзимга, айниқса, яққол ташланган ва ўлка партия комитети бюросининг ҳамда халқ депутатлари ўлка Совети ижроия комитетининг аъзолари билан бугунги суҳбатда менда ишонч ҳосил қилдирган нарсалар нималардан иборат? Одамлар катта-катта муаммоларни ҳал қилиш учун вақт ҳам, янги ресурслар ҳам, кўп куч-ғайрат ҳам кераклигини умуман пайқаб турибдилар. Йирик масалалар юзасидан янги марраларга чиқиб олиш учун кучларни яхши уюштиришга ва янада оширишга тўғри келади. Буни одамлар тушуняптилар, бу эса сибирликларга шон-шараф келтиради. Аммо улар суҳбатларда вақт талаб қиладиган йирик масалалар группасига мансуб масалалар билан қайта қуришнинг илк босқичида, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал этилиши лозим ва мумкин бўлган масалаларни бир-биридан аниқ фарқ қилдилар.

Дарҳақиқат, ёқилғи ҳақида, томдан чакка ўтаётгани, бутун бир микрорайоннинг юқори қаватларига сув чиқмаётгани, кўчалар ёритилмаётгани, шаҳар транспортининг ишида узилишлар бўлиб тургани ва шу кабилар ҳақида гап борганида, бу камчиликларни тузатиш учун йиллар керак эмас-ку, ахир! Одамлар мана шулар ҳақида гапиришди. Уларни энг кўп ҳафа қилаётган нарса нима? Бу масалалар ҳал этилмай ётганлиги хўжалик, совет кадрларининг фаолияти билан боғланган. Демак, партиявий эътибор, партиявий контрол етишмаяпти.

Ҳозир ўлка партия комитети Советларга ҳам, хўжалик органларига ҳам юксак талаблар қўймоқда, барча соҳалардаги конкрет иш учун қаттиқ жавоб талаб қилмоқда, одамларни ташвишга солаётган энг муҳим масалаларни доимо кузатиб турибди. Бу — тўғри, мен бундай ёндашувни қўллаб-қувватламоқчиман. Кимнинг қўлидан нима келиши ҳозир, айниқса, равшан кўриниб турибди, деб ўйлайман. Ҳар бир кишининг қобилиятини ва у ишга қандай қараётганини хўжалик ҳисоби кўрсатиб турибди. Қайта қуриш аввалбошданоқ у ёки бу лавозимларни эгаллаб турган кишиларнинг қўлидан нима иш келишини кўрсатиб берди. Уларнинг баъзилари уч, тўрт, беш ва ўн йил муқаддам қандай ишлаётган бўлса, ҳозир ҳам шундай ишламоқда. Ҳали ҳам улар ўзларига ҳеч сув юқтирмай юришибди.

Бироқ ўйлайманки, бундай кадрлар ўз позициясини тубдан ўзгартирмасалар, ўз лавозимларида узоқ қолмайдилар. Буни мен одамларнинг кайфиятидан билиб олдим, партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар давомида ҳам шу нарса намоён бўлди ва Советларни тузиш даврида, депутатлар билан учрашувлар давомида ва бошқа жойларда ҳам шу нарса намоён бўлмоқда. Бинобарин, мана шуларнинг ҳаммасидан тўғри хулосалар чиқариб оламиз.

Яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман: қийинчиликлардан чўчимаслик керак. Гўё бизда ҳеч нарса ўзгараётгани йўқ, иш ҳам силжиётгани йўқ, деган гаплар баъзи жойларда қулоққа чалинди.

Бироқ ўртоқлар, қайта қуриш — жиддий ва чуқур иш. Бу иш бутун мамлакатга, турмушнинг ҳамма соҳаларига тааллуқлидир. Бу — жамиятимизнинг бутун турмушини қайта қуришга оид таг-замирли ишдир. Модомики, шундай экан, биз хом ҳаёлларга берилмаслигимиз керак. Ҳа, биз қайта қуришга эндигина киришганимизда, буни тушунган эдик. Яқин йиллар энг мураккаб ва қийин йиллар бўлишини ҳозир ҳам яхши тушуниб турибмиз.

Ҳаёт буни тасдиқламоқда. Шу сабабли мен, қийинчиликлар кўпайиб боряпти, муаммолар кўп, деб эҳтирос билан жон куйдириб гапирганларида, демак қайта қуриш турмушга сингиб боряпти, деган хулосани чиқараман. Қайта қуриш янгиянги муаммоларни кўтармоқда, мана шу муаммоларни ҳал қилиш керак. Бу муаммоларни бизнинг ўрнимизга ҳеч ким ҳал қилмайди. Партиянинг ўзида ҳам, Советларда ҳам, раҳбар кадрларнинг, меҳнат коллективларининг фаолиятида ҳам қайта қуриш жараёнлари осонликча кечмаётганлигини кўриб турибмиз, албатта. Бутун жамиятимиз ошкоралик, демократия илмини, хўжалик ишларидаги янгича ёндашувларни қийинчилик билан ўзлаштириб олмоқда. Мамлакат экономикасини туб иқтисодий ислоҳот принциплари асосида қайта қуришга тобора чуқурроқ кириб борган сайин одат бўлиб қолган қарашлар қандай сўгараётганини кўриб турибмиз.

Рўй-рост айтиш керакки, ўртоқлар, биз буюк мактаб сабоғини оляпмиз. Янгичасига яшаш ва ишлашни, ҳатто ўз муносабатларимизни янгича қуришни ўрганяпмиз. Биз қайта қуришнинг ҳозирги босқичидаги катта зўриқишларга, албатта, бардош беришимиз ва уларни уддалашимиз лозим. Кадрларга ҳам, барча меҳнат коллективларига ҳам шу гап тааллуқлидир.

Бу ҳақда гапираётганимнинг яна бир боиси шуки, мана шундай масъулиятли, бурилиш даврида қайта қуришга солинаётган хавф ҳақидаги гаплар эшитила бошлади. Айрим кишилар, ҳозирги муаммоларнинг бутун мураккаблигини англамай, уларни бирваракайига ҳал қилиб қўя қолишга чақиримоқдалар. Бу хусусда нима деса бўлади? Буларнинг ҳаммаси жиддий сиёсатдан, реал турмушдан йироқ ва иш учун хатарлидир. Бу ёндашувларнинг тарафдорлари қандай фикрмулоҳазаларга амал қилмасинлар, юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, уларнинг фикри мақбул эмас ва бу фикрларни рад этиш керак. Аммо сиёсий жараёнларнинг кучайишидан, жамиятнинг демократиялашувидан, экономикани ислоҳ қилишдан, кооперация ва унинг ҳамма муаммоларидан, маънавий ва ахлоқий турмушни соғломлаштириш

(Давоми иккинчи бетда).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 19 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	3,25	32,97	1,97	10,89
Қашқадарё	2,35	19,98	1,99	10,83
Андижон	1,46	17,93	0,23	0,87
Фарғона	1,89	16,82	0,19	0,91
Наманган	1,52	13,66	0,35	0,55
Сурхондарё	1,43	11,90	1,20	3,79
ҚҚАССР	1,71	10,92	1,28	4,76
Бухоро	1,67	9,11	0,27	0,58
Тошкент	0,91	6,95	0,31	0,73
Самарқанд	0,61	2,93	0,11	0,33
Сирдарё	0,52	2,35	0,30	0,97
Республика бўйича:	1,49	12,46	0,71	3,03
Шу жумладан нигичка толали пахта:				
Наманган	2,50	27,22	—	—
Сурхондарё	1,37	12,78	1,38	4,40
Қашқадарё	1,04	8,08	0,67	1,99
Самарқанд	1,23	7,58	—	—
Бухоро	0,23	0,42	—	—
Республика бўйича:	1,22	10,88	1,07	3,37

КИМ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА?

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 19 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи устун— шу жумладан машинада терилган пахта.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Хонқа	38,81	23,22
Гурлан	38,37	17,92
Хива	35,27	3,78
Янгиариқ	34,78	19,05
Ҳазорасп	33,89	1,70
Шовот	31,95	5,72
Боғот	30,08	4,70
Қўшкўпир	29,97	7,82
Урганч	28,72	12,52

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

Чироқчи	32,35	12,50
Яккабоғ	29,15	6,94
Қамаши	28,24	17,19
Ғузор	27,31	8,91
Косон	24,99	26,06
Китоб	23,91	2,79
Шаҳрисабз	23,30	0,49
Қарши	19,43	14,78
Муборак	17,45	18,20
Усмон Юсупов	11,60	10,43
Ульянов	9,83	1,91
Нишон	9,16	8,43

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Ленин	28,79	1,77
Олтинкўл	27,51	0,03
Москва	26,07	0,25
Пахтаобод	22,87	0,31
Андижон	21,66	1,37
Хўжаобод	21,37	—
Балиқчи	19,96	0,09
Избоскан	17,11	5,16
Марҳамат	13,33	—
Комсомолобод	9,90	1,32
Жалолқудуқ	8,69	—
Қўрғонтепа	7,41	—

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Ленинград	29,05	—
Бувайда	28,07	—
Тошлоқ	25,00	—
Ўзбекистон	21,22	8,44
Қува	15,84	—
Охунбобоев	14,48	0,21
Бағдод	13,81	0,13
Фрунзе	13,03	0,45
Фарғона	12,56	0,14
Киров	12,32	0,69
Олтиариқ	10,18	—
Риштон	9,95	0,04

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Наманган	28,81	0,03
Уйчи	27,55	0,58
Тўрақўрғон	25,19	0,09
Янгиқўрғон	14,28	5,16
Поп	13,04	0,73
Чуст	8,65	0,08
Учқўрғон	7,63	0,37
Задарё	7,08	0,69
Косонсой	1,44	—

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Ангор	21,78	1,30
Термиз	21,78	6,15
Сариосиё	16,10	1,13
Олтинсой	15,25	7,57
Денов	15,03	3,92
Жарқўрғон	13,99	0,30
Қумқўрғон	13,81	2,26
Ленин йўли	11,06	11,46
Шўрчи	10,52	1,44
Шеробод	4,75	3,68
Бойсун	4,04	6,32
Гагарин	2,71	1,40

ҚҚАССР

Беруний	19,48	11,40
Тўрткўл	17,32	7,63
Амударё	17,05	10,67
Элликқалъа	15,25	5,56
Чимбой	6,10	0,63
Хўжайли	3,87	0,65
Қўнғирот	3,50	—
Кегайли	3,26	—
Шуманай	3,01	—
Қораўзак	2,76	0,66
Нукус	2,53	0,54

БУХОРО ОБЛАСТИ

Ғиждувон	11,64	1,82
Шофиркон	11,23	0,01
Ромитан	11,06	1,04
Қоракўл	9,50	0,15
Свердлов	9,31	0,32
Бухоро	6,82	0,09
Вобкент	4,81	0,34
Когон	2,15	0,21

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Чиноз	12,93	—
Пискент	11,66	0,72
Янгийўл	9,77	1,18
Бекобод	8,16	0,65
Оққўрғон	7,82	0,18
Бўка	5,43	0,53
Ўрта Чирчиқ	4,67	0,09
Коммунистик	3,24	4,04
Ғалаба	0,95	0,64

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

Навоий	6,08	2,47
Хатирчи	4,57	0,32
Каттақўрғон	3,48	—
Пахтачи	3,42	0,33
Нарпай	3,24	—
Оқдарё	0,81	—
Пайариқ	0,78	0,10
Пастдарғом	0,72	—
Иштихон	0,36	0,02
Жомбой	0,12	—

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

Жиззах	14,36	8,09
Пахтакор	3,25	3,22
Дўстлик	2,53	1,08
Ворошилов	2,37	—
Зомин	2,36	0,94
Боёвут	2,34	—
Сирдарё	2,12	—
Гулистон	1,97	—
Ховос	1,59	0,13
Янгиер	1,13	0,71
Арнасой	1,20	0,11
Мирзачўл	0,85	0,36
Октябрь	0,72	0,46
Ильич	0,66	0,56
Оқолтин	0,59	—

КУНИГА ИККИ ПРОЦЕНТДАН

Қизилтепа райони пахтакорлари бу йил она-Ватанга 31,4 минг тонна сифатли хом ашё тортиқ этишга бел боғлаганлар. Шу кунларда мавжуд 9 та колхоз ва 4 та совхозда йиғим-терим мусобақаси авжида. Район бўйича 6.500 дан зиёд теримчи далага чиқаяпти. Ҳар киши ҳисобига кунига ўртача 60 килограммдан «оқ олтин» терилмоқда. Мавсумда Жданов номли, «Бухоро», «Ёш ленинчи» колхозлари, «Ўртачўл юлдузи», «Зарбдор», «Бўстон» совхозлари илғорлик қилмоқдалар.

Айниқса ждановликлар ғайрати ўзгача. Улар кунлик пахта тайёрлашда энг юқори натижага эришмоқдалар. Ҳар теримчи ҳисобига 90 килограммдан пахта тайёрланаяпти. Истам Арслонов, Ҳайдар Жалолов, Ҳожиқурбон Ғаниев бошлиқ бригадалар кунига 2 процентдан ошириб хом ашё жўнатмоқдалар.

В. НОСИРОВ.

ҲАРАКАТ ДАВРИ, АМАЛИЙ ИШ ДАВРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

жараёнидан, тарихимизни идрок этиш ва шу кабилардан чўчиётган, қайта қуриш туфайли юзага келган мана шу жамики янгиликларни социализмга оз бўлмаса хавфли деб билаётган кишиларнинг қарашлари ҳам мана шундай қатъият билан рад қилиниши керак.

Таҳликали фикрларга берилган мана шундай кишиларнинг ҳаммасига хос бўлган битта жиҳат шундан иборатки, улар одамларни чалғитмоқдалар, қайта қуришнинг маъноси ва вазифаси ҳақида халқ орасига шубҳа уруғларини сочмоқдалар. Бундай фикрларга берилиш илмий нуқтаи назардан хато, сиёсий нуқтаи назардан эса масъулиятсизликдир. Биз танлаб олган йўлдан тойдиришга уринувчиларга йўл қўймаймиз ва сиз, сибирликлар ҳам шу кунларда қатъий позициямдаги ишончимни кучайтирдингиз, бунга аминман. Биз йўлни танлаб олдик ва бу йўлдан ишонч билан қатъий қадам ташламоқ керак. Бу йўлда ҳеч қандай оғишлар, ҳеч қандай шубҳа-гумон ва иккиланишлар бўлмаслиги лозим. Сиёсат соҳасидаги хатолар мамлакат билан халққа нақадар қимматга тушишини биламиз. Шу сабабли биз жуда масъулиятли бўлишимиз керак.

Бугун зўр қатъият билан айтиш керак бўлган гап шундан иборатки, қайта қуришнинг ҳамма соҳаларидаги амалий иш тубдан яхшиланиши зарур. Шу билан бирга, қайта қуришнинг истиқбол мақсадларини кўзда тутиб, халқ турмушининг ҳал қилувчи соҳаларидаги мушкуликка барҳам бериш учун қисқа муддатларда имкони бўлган ҳамма ишни қилиш лозим.

Биз озиқ-овқат, уй-жой муаммосини, кенг истеъмол моллари ва хизматлар билан таъминлашни биринчи галдаги муаммолар деб ўртага қўйганимизни биласизлар. Шу кунларда сизлар билан қилган суҳбатларимда, биз тўғри йўл тутганимизга ишонч ҳосил қилдим, чунки бу муаммолар бу ерда ҳам кескин бўлиб турибди. Соғлиқни сақлаш ва маориф муаммолари уларнинг ёнида турибди. Экология муаммолари тобора ўткирлашиб бормоқда.

Марказий Комитет мазкур муаммоларни биринчи галда ҳал этишга киришишни марказий ва маҳаллий органлардан талаб қилди. Хўш, бу соҳада нималар қилинмоқда? Марказлаштирилган манбалар, корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан уй-жой қурилишини кенгайтириши, кооперация ва якка тартибдаги қурилишни кучайтириш имкониятлари қидириб топилди. Бу эса уй-жой қурилишининг суръатларига ҳозирнинг ўзидаёқ таъсир қилмоқда. Икки ярим йил ичида 300 миллион квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. Бироқ биз ўртага қўйган вазифани 2000 йилгача ҳал этиш маррасига чиқиб олиш учун эришилган бу миқёслар ҳозирча етарли эмас, албатта. Бу — жуда қийин вазифа. Аммо, чамаси, уни шу тарзда қўйиш кераккки, бу вазифани ҳал этиш учун жамиятнинг жамики ресурслари сафарбар қилинадиган бўлсин, чунки у ҳар бир оиланинг, ҳар бир кишининг ҳаётига тааллуқлидир. Бизда имкониятлар бор. Турли регионларнинг тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди.

Биз ички бозорни хилма-хил моллар билан мўл-кўл таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам, маҳсулотларнинг сифати нуқтаи назаридан ҳам халқ истеъмол моллари хусусида қийин вазиятга тушиб қолдик. Ҳозир биз фақат енгил саноат корхоналарида эмас, барча тармоқларнинг корхоналарида ҳам халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлини бошладик.

Республикаларнинг, ўлкалар ва областларнинг ўзида бу соҳада кўп иш қилиниши керак. Иқтисодий ислоҳот бунинг учун катта имкониятлар очди. Ҳеч ким четда туриши, бошқаларга имо-ишора қилмаслиги керак. Ҳар бир киши бу ишга ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 13 миллиард сўмлик миқдорда ёки 6,3 процент кўпайди. Пулли хизматлар ҳажми 5,1 миллиард сўмлик ёки 14,4 процент ошди. Бироқ, енгил саноатнинг кўпгина маҳсулотлари, қолаверса, узоқ муддат фойдаланиладиган моллар танқислиги ҳали ҳам салмоқли ва кескин бўлиб турибди. Шу кунларда мен ҳам шаҳар ва қишлоқларнинг ишчи посёлкаларининг аҳолиси билан суҳбатда буни пайқаб олдим.

Яна бир гап. Кўпгина корхоналар хўжалик ҳисоби ҳуқуқларидан фойдаланиб, ўзларининг молиявий ишларини қимматбаҳо моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш эвазигагина ўнглаб олишга уринаётганликлари мутлақо ярамайди. Айни вақтда арзон моллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва турларини кўпайтириш учун жуда кам иш қилинмоқда.

Баъзи кимсалар эса оммавий талаб қилинадиган арзон моллар ишлаб чиқаришни қисқартириб, очиқдан-очиқ жамиятга қарши йўлга ўтиб олдилар. Марказий Комитетда ва ҳукуматда бундай қилмишлар социалистик жамиятда йўл қўйиб бўлмайдиган гуруҳбозлик худбинлигининг кўриниши, деб баҳоланмоқда. Тасаввур этиб кўринг, ҳамма шу йўлга ўтса, биз ҳаммамиз, истеъмолчилар магазинларда, пештахталарда мана шундай гуруҳбозлик худбинлигига дуч келдик, дейлик. Унда биз қутулишга ҳаракат қилаётган вазиятга қайтган бўлур эдик.

Мана шу танқидий мулоҳазалар билангина чекланмоқчи эмасман. Барча корхоналарнинг раҳбарларини ва меҳнат коллективларининг кенгашларини дарҳол эс-ҳушни йиғиб олиб, зарур тартиб ўрнатишга чақирмоқчиман. Бу ҳол, чамаси, марказнинг йўли билан ҳам муайян тузатишлар киритиш, тегишли иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириш кераклигидан дарак беради.

— СССР ҳукумати реал эҳтиёжларни эътиборга олиб, беш йилликнинг қолган икки йилида 24 миллиард сўмлик халқ истеъмоли молларини қўшимча равишда ишлаб чиқариш имкониятларини қидириб топди. Аммо бу режаларнинг ҳаммасини рўёбга чиқариш, турмушга татбиқ этиш учун енг шимариб ишлашга тўғри келади, албатта.

Озиқ-овқат билан таъминлаш биз учун кундалик муаммоларнинг энг ўткири бўлиб турибди, ўртоқлар. Сизларда, Красноярск ўлкасида ҳам шу муаммо бор.. Ҳозир масалаларнинг тарихига тўхталиб турмайман, унинг илдизлари чуқур томир ёйган. Фақат бир гапни айтаман: Владимир Ильич Ленин асос солган аграр сиёсат, шаҳар билан қишлоқ ўртасида, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида эквивалент айирбошлашни ривожлантириш йўли кўп ўн йиллар давомида изчил ўтказилмади, айрим даврларда эса қўпол равишда бузилди. Бу эса аграр секторнинг ўзи учун ҳам, мамлакатнинг бутун экономикаси учун ҳам оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Мана шу жуда катта хатолар ҳамон тугатилгани йўқ ва ўртоқлар ҳам бу ҳақда гапиришди. Мен СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Красноярск филиалида Красноярскда бўлишимнинг иккинчи куни ўтказилган учрашувда совхоз директори ўртоқ Вепревнинг сўзларини эшитдим. Англашимча, «Дружба» колхозининг раиси Г. В. Батртдинов ҳам бугун шу ҳақда гапириб, ўлканинг аграр сектори жуда ачинарли манзарасини чизиб берди.

Тўғри, Марказий Комитетнинг 1982 йил май Пленумидан кейин ишларни бир мунча ўнглаб олишга муваффақ бўлинди. Гарчи турмуш талаб қилганидек тез бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш аста-секин кўпая бошлади. Бундан аввал беш йил мобайнида амалда силжиш бўлмаганини, 1975 йилги қурғоқчиликгача бўлган аҳволни қайта тиклаш билан шуғулланиб келингани эътиборга олинса, ишнинг бундай суръатлари бизни мутлақо қаноатлантирмаслиги равшан бўлади. Кейинги беш йилда ялпи дон ҳосили 1982 йилдаги 178 миллион тоннадан 1987 йилда 211 миллион тоннага етказилди. Лекин, эҳтимол, бу йил биз бу даражада қола олмасмиз, чунки, гарчи Украинада, Шимолий Кавказда, Россия марказида яхши ҳосил олинган бўлса ҳам, Сибирда, Қозоғистонда ва Волга бўйида дон ҳосили қамроқ олинди.

Шу вақт ичида гўшт етиштириш 15,4 миллион тоннадан 18,9 миллион тоннага, сут етиштириш 91 миллион тоннадан 104 миллион тоннага, тухум етиштириш 72 миллиард донадан 82,7 миллиард донага етди. Қанд лавлаги ҳосили 10 процент, сабзавот ҳосили 6 процент, картошка ҳосили 3 процент кўпайди. Май Пленумидан кейин мана шуларга эришдик. Умуман ва бутунича бизни қаноатлантирмаган Пленум, ҳар ҳолда, колхоз ва совхозларга қаратилган эди, қишлоқ меҳнатчилари уни муайян тарзда маъқуллаб кутиб олдилар.

Бу нарса озиқ-овқат танқислигига барҳам бердими? Йўқ, барҳам бермади. Ўртоқлар, турмушнинг ўзи бизни қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш заруратига мажбур этди. Бу ишни биз ўн йилларга кечиктириб юборганимизнигина айтмоқ керак. Энг катта сиёсий хатолардан бири, аслида, мана шундан иборат.

Бу соҳадаги энг муҳим иш шуки, одамларнинг ердан ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишга муносабатини тубдан ўзгартириш керак. Пудрат ва айниқса, ижаранинг турли усуллари асосида бунга яхшироқ ва тезроқ эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Бинобарин, пудрат ва ижарани кенг жорий қилиш-марказий вазифадир, бу вазифани ҳамма жойда ҳал қилиш лозим. Бунинг учун ҳозир бизда шароит яратилган, бунда мен ҳуқуқий, иқтисодий шароитларни назарда тутяпман, Иш кадрларимизга боғлиқ бўлиб қолди.

Учрашувимизда кейинги вақтларда анча тез ва қизғин муҳокама қилинаётган яна бир масалани тилга олмоқчиман, бу — биз қанча озиқ-овқат истеъмол қиляпмиз, деган масаладир. Баъзилар ҳозир мамлакатда гўшт-сут маҳсулотлари аввалгидан камайиб қолди, ўшанда таъминот яхшироқ эди, деб ҳисобламоқдалар. Эҳтимол сизларнинг ҳам кўпларингиз шундай деб ҳисоблаётгандирсиз? Баъзи бировлар ҳатто биз 1927 йилдагидан, коллективлаштириш арафасидаги даврдан камроқ гўшт истеъмол қиляпмиз, деган даъвони айтмоқдалар.

Хўш, аслида иш қай алфозда? Гапни 1927 йилдан бошлашга тўғри келади. Ўша пайтда аҳоли жон бошига 30 килограмм гўшт, 206 килограмм сут етиштирилар эди. 1965 йилда аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 40,6 килограммни ташкил этди, бундан ташқари 12,6 килограммдан балиқ истеъмол қилинганди. Аҳоли жон бошига истеъмол қилинган сут ва сут маҳсулотлари 251 килограммни ташкил этди. 1987 йилда бу кўрсаткичлар қуйидагича бўлди: 64 килограмм гўшт, 341 килограмм сут ва 18 килограмм балиқ истеъмол қилинди. Дарвоқе, 1965 йилда аҳоли жон бошига 4 килограмм, 1987 йилда эса 7,2 килограмм сариёғ истеъмол қилинди. Манзара тўлиқ бўлсин учун шуни ҳам айтиш керак, 1965 йилда ҳар бир киши ҳисобига 124 дона тухум истеъмол қилинган бўлса, бултур 272 дона тухум истеъмол қилинди.

Хўш, гап нимада ўзи? Нега ўтган йилларда магазинлардаги мўл-кўлчилик таассуротлари хотирада сақланиб қолган-у, ҳозирги вақтда маҳсулотлар мутлақо етишмаётганлиги сезилмоқда?

Ўша вақтда мен Ставрополь ўлка партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлар, жумладан, озиқ-овқат ва енгил саноат учун жавоб берар эдим. Ўша пайтда хўжалик, совет ишида ишлаган кишилар сариёғни қаерга қўйиш керак, деган муаммо пайдо бўлиб қолганини, сариёғ моғор босиб, уриниб қолганини, ёғдан тўла фойдаланиш учун 30 процентли сметана ишлаб чиқарилганини эслайдилар. Ҳолбуки, гўштни 24 килограмм, сутни салкам 100 килограмм, балиқни олти килограмм ва сариёғни деярли икки баравар кам истеъмол қилганимизга эътибор беринг.

Гап нимада ўзи, ўртоқлар? Бу ўринда харид қобилияти ошганлигини эътиборга олиш керак. 1965 йилда мамлакат аҳолисининг атиги 4 проценти жон бошига 100 сўм ва ундан кўпроқ даромад олар эди, ҳозир эса 67 проценти мана шунча даромад олмоқда. Демак, илгари қурби етмаган кўп миллионлаб кишилар юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қила бошлади. Шу йиллар мобайнида шаҳар аҳолисининг сони анча кўпайди. Бундан ташқари, деҳқонларнинг сони камайиш жараёни ҳам давом этди. Мана шуларнинг ҳаммаси муаммони кескинлаштирди, деса бўлади.

Вазиятни тушунмоқ учун ўтган йиллар мобайнида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари билан аҳолининг пул даромадлари кўпайиш суръатлари ўртасида каттагина тафовут пайдо бўлганини назарда тутиш керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш пул даромадларининг ошишидан анчагина орқада қолди. Пировард маҳсулот билан таъминланмаган пул берилаверди.

Бу гаплардан қандай хулоса чиқариш лозим? Камомадни бартараф қилиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни тузукроқ олға силжитиш керак.

Озиқ-овқатга келганда шуни айтиш керакки, бу соҳада учта жуда зарур вазифа кўндаланг бўлиб турибди.

Биринчидан, юқорида айтганимдек, қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш керак. Бунинг маъноси шуки, биринчи навбатда коллектив пудратга ва айниқса, ижарага ҳамма жойда йўл очиб қўйиш, ҳозир қишлоқда ишлаб турган кишилар мустаҳкам ўрнашиб қолишлари учун қишлоқларни социал жиҳатдан қайта қуриш ишини кенг жабҳа бўйлаб ўтказиш лозим.

Иккинчидан, агросаноат комплексида барпо этилган имкониятдан омилкорлик билан фойдаланиш, қўшимча моддий-техникавий ресурсларни қидириб топиб, аграр секторга хизмат қилдириш керак.

Учинчидан, етиштирилган ҳосилни ташиб олиш, асраш ва қайта ишлаш вазифасини ҳеч кечиктирмай ҳал қилиш зарур. Бу соҳада жуда тез самара олиш мумкин.

Ўртоқлар, ишда омилкорлик, аниқлик, билимдонлик, профессионализм кўпроқ бўлсин, кўп кишилар буни аллақачон, қайта қуриш бошланган пайтдаёқ тушуниб олган эдилар. Улар янги вазифаларни ҳал этишга ишчанлик билан, амалий ёндашиб, кўп иш қилишга улгурдилар. Бу ўринда гап айрим ҳолатлар ҳақида эмас, балки оммавий ҳодиса ҳақида бораяпти.

Буни биз бутун мамлакатда сезиб турибмиз. Соғлом, серғайрат, қайта қуришга ихлосманд кучлар ҳаракатга келдилар.

Афсуски, минглаб қишлоқ хўжалик коллективларида қўлга киритилган ютуқлар, рўй бераётган чуқур ўзгаришлар билан бирга кўп жойларда эскича ёндашувлар, ишдаги ташаббуссизлик ҳам учраб турганлиги ҳақида гапиришга тўғри келади. Хўжалик юритишнинг янги усуллари хусусида ҳам, фан-техника тараққиёти масалалари хусусида ҳам шу гапни айтмоқ керак. Худди шу соҳаларда планларнинг бажарилиши ҳам, самарадорлик кўрсаткичлари ҳам дуруст эмас. Корхоналар қарзга ботиб қолганлар. Хўш, министрликлар нима қиляпти? Улар ишни эски усулда давом эттиришаяпти. Илғорларнинг пулини тортиб олиб, уларнинг даромадлари эвазига қолоқларга ёрдам беришаяпти.

Шу муносабат билан нима деса бўлади? Ҳар бир корхонанинг тақдирига социалистик жамият бефарқ қарай олмайди, албатта, ўртоқлар. Бироқ, шу билан бирга биз иқтисодий ислоҳотни ишга муносабатни ўзгартиришни хоҳламаётганларнинг тайёрга айёрлик кайфиятларига мослаштирмаслигимиз керак. Буни биз қатъий тушуниб олишимиз ва социализмнинг: «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган принципини турмушга сабот билан татбиқ қилишимиз, текисчиликка, ходимлар меҳнатининг миқдори ва сифатини эътиборга олмай, фақат ишга чиққанлик учунгина иш ҳақи ёзишга кескин барҳам беришимиз лозим.

У ёки бу коллективда туб ўзгаришлар бўлмаётганини, қайта қуриш йўқлигини эшитганимда бунга жавобан фақат шундай дея оламан: бундай корхоналар тезроқ хўжалик ҳисобига, яхшиси эса ижара пудратига ўтишлари керак.

Шу истакни тасдиқлайдиган бир мисол айтиб берай. Москва областидаги Бутовск бинокорлик материаллари комбинати йил сайин зарар кўриб келар эди. Иш шунга етиб бордики, йил бошида уни ёпиб қўйиш масаласи кўтарилди. Шунда коллектив корхонани саккиз йил муддатга ижарага олишга қарор берди. Орадан бир неча ой, эътибор беринг, ўртоқлар, бир неча ой ўтди. Натижа қандай бўлди, денг? Товар маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобигагина 30 процент кўпайди. Аввалги зарар ўрнига 500 минг сўмдан кўпроқ фойда олинди, ўртача иш ҳақи ойига 50 сўм кўпайди.

Ҳозир Москва областида саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа тармоқларнинг 270 тадан кўпроқ корхона ҳамда ташкилоти ижара пудрати асосида ишламоқда. Областнинг колхоз ва совхозларида 350 та мана шундай коллектив меҳнат қилмоқда.

Қисқаси, қайта қуришни жиддий назар билан қабул этиб, чинакамига олиб бораётган жойларда қайта қуриш юришиб бормоқда. У ўз натижаларини бермоқда. Бизнинг ўрнимизга кимдир қайта қуриш билан шуғулланади, деб умид қилиб ўтирилган жойларда эса, аксинча, ҳеч бир иш яхшиланаётгани йўқ.

Қайта қуриш — зўр ғайрат билан ишлашни, кўп куч сарфлашни талаб қиладиган қийин иш. Бу — тўғри гап, аммо ҳеч бир куч-ғайратсиз қандайдир неъматларга эришиш мумкин, неъматларни тилла ҳалли баркашда тортиқ этадилар, деб умид қилиш ярамайди-ку, ахир. Гоголнинг Пацюк деган қаҳрамони бор, у оғзини очиб турса, қаймоққа беланган чучвара тўппа-тўғри оғзига келиб тушаверади. Аммо ҳаётда асло бундай бўлмайди.

Ҳаммамиз одамларнинг турмуш шароитлари ўзгаришининг қайта қуриш соҳасидаги амалий иш билан чамбарчас боғлиқлигини яхши ва аниқ тушуниб олишимиз. керак. Меҳнат — бойликнинг асоси. Қайта қуриш эса бу қоиданинг моҳияти ва тўғрилигини тағин ҳам ойдинлаштириб беради. Биз социал сиёсат соҳасидаги режаларимизни амалга оширишга қайта қуриш орқалигина эриша оламиз, чунки бу режаларга экономикадаги туб ўзгаришлар, уни экстенсив ривожланиш йўлидан интенсивлаш изига кўчириш асос қилиб олинган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва одамларнинг турмуш даражасидаги туб ўзгаришларнинг бевосита алоқадорлигини кўрсатувчи яна бир манзарага назар ташлайлик. Хўжалик юритишнинг янги принципларида ишлаш ташаббускори бўлган Фрунзе номли Суми машинасозлик бирлашмаси уч йилдан бери ишлаб турибди. Шу вақт ичида меҳнат унумдорлиги 35 процент, фойда олиш 1,6 баравар ўсди, яъни айтиш мумкинки, хизматга яраша даромад ҳам ортди. Ўртача ойлик иш ҳақи тармоқдаги ўртача даражадан 20 процентдан зиёд юқори бўлди. Ишлаб топилган маблағлар ҳисобига ўтган йилнинг ўзидагина 30 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой, поликлиника, мактаб қурилди. Кўпгина бошқа социал масалалар ҳал этилди. Коллектив эса ишни бундан буён қай тариқа юритиш тўғрисида ўйламоқда, ижара пудратига ўтиш тўғрисидаги таклифни тайёрламоқда.

Бошқача қилиб айтганда, бутун халқ хўжалигимизни туб иқтисодий ислоҳот принципларида тубдан ўзгартирмай туриб, социал муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Одамларимизнинг баъзи қисми орасида меҳнат унумдорлигини оширишга маҳсулот ишлаб чиқаришни ва унинг сифатини ўстиришга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳар бир кишининг қўшадиган шахсий ҳиссасига боғлиқ бўлмаган ҳолда турмуш шароити яхшиланишини кутиш кайфияти кучли бўлганлиги учун бу нарсани яна бир бор таъкидлаб ўтиш муҳим.

Буни мен Красноярск диёрида ҳис этдим. Сизларда ҳам шундай кайфият бор. Биз социал адолат принципларини рўёбга чиқарар эканмиз, тақсимот соҳасида ҳам бизнинг жамиятимизда ҳеч қандай текисчилик, ҳеч қандай тайёрга айёрлик бўлиши мумкин эмас, деган талабни қатъият билан турмушга жорий этишимиз зарур. Текисчилик ва тайёрга айёрлик социализмга ёт кўринишлардир ва бундай кўринишларга қатъият билан барҳам бериш керак.

Шу муносабат билан моддий неъматларни тақсимлашдаги ҳар қандай бузилишларга қарши муросасиз кураш олиб бориш лозим. Бизнинг жамиятимиз хизмат мавқеини суиистеъмол қилишларга, порахўрликка, ташмачиликка, чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш ҳақидаги масалани тўғри ўртага қўймоқда. Бу борада контрол органлари ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам янада қатъият билан ва самарали иш олиб боришлари зарур. Халқ бу курашга зўр ғайрат билан киришмоқда. Биз ана шундай салбий ҳолатларга барҳам беришимиз керак. Партия ва совет органлари, барча раҳбар кадрлар мазкур масалаларда принципиал йўл тутишлари лозим. Красноярск партия комитети ҳозир ўлкада аҳоли учун олинаётган барча нарсаларни тақсимлаш масалаларини атрофлича ҳал этишга қарор берганлигини маъқуллайман. Ўлка ижроия комитетининг раиси бошчилик қилаётган озиқ-овқат комиссияси ҳам шу иш билан шуғулланмоқда.

Тақсимот масалалари тўғрисида гапирар эканман, иқтисодий ислоҳот доирасида республикалар, ўлкалар ва областларни озиқ-овқат билан таъминлашни уларнинг қишлоқ хўжалигидаги ишлари даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ қилиб қўйиш зарурлигини таъкидлашни истардим. Ахир биз, ўртоқлар, ҳозир бу ишда регион даражасида ўзига хос хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ишларини олиб боряпмиз. Биз маҳсулот етказиб бериш бўйича мана сизларга беш йиллик топшириқ, демоқдамиз. Топшириқ беш йиллик давомида оширилмайди. Сизлар Иттифоқ ва республика фондига маҳсулот етказиб бериш топшириғини бажардингизми ортиқча ишлаб чиқарган маҳсулотингизнинг ҳаммаси ўзингизники бўлиб қолади. Шуни айтишим зарурки, бу нарса кўпчиликка яхши таъсир кўрсатди. Волгоград областида нималар содир бўлаётганига бир назар ташланг. Областда озиқ-овқат таъминоти масалалари ўткир бўлиб турарди. Ҳозир у ерда бутун бир тадбирлар комплексини амалга оширдилар. Бундай тадбирлар деҳқончиликни ҳам, чорвачиликни ҳам, янги технологияни ҳам ва хўжалик юритишнинг янги методларини ҳам қамраб олмоқда. Уч йил ичида гўшт етиштириш қарийб 70 минг тонна ёки 24 процент, сут етиштириш 132 минг тонна ёки 18 процент кўпайди. Чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш давлат топшириқлари ошириб бажарилмоқда. Бундай куч-ғайратларнинг область учун натижалари қандай бўлди? Икки йил давомида бозор орқали гўшт истеъмол қилиш 33 минг тонна ёки 1,4 баравар, сут маҳсулотлари истеъмол қилиш 95 минг тонна ёки 17 процент кўпайди. Чакана савдода давлат нархидаги чўчқа гўшти, парранда гўшти бор, сут маҳсулотлари, пазандачилик маҳсулотларининг ғоят хилма-хил турлари сотилмоқда. Сабзавот ва картошка билан таъминлаш яхшиланди. Бу ишга кооператив сектор ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар катта ҳисса қўшмоқда.

Липецк областида ҳам шундай жараёнлар содир бўлмоқда. У ерда кейинги икки йил ичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш ва планларни муваффақиятли бажариш ҳисобига маҳаллий таъминот учун гўшт ва сут етказиб бериш анча кўпайди. Аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 9 килограмм ва сут истеъмол қилиш 32 килограмм ошди.

Целиноград областида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш гўшт, сут маҳсулотлари, сабзавот, картошка билан савдо қилишни жиддий равишда яхшилаш имконини берди. Харьков областининг аҳолиси мана икки йилдирки, Иттифоқ ва республика дотацияларисиз чорвачилик маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Воронеж, Тула, Тамбов, Пенза, Томск, Калининград областларида, Ставрополь ва Олтой ўлкаларида чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда аҳвол яхшиланмоқда. Белоруссия, Эстония, Латвия, Литва ва бошқа регионларда каттагина ютуқларга эришилганлиги тўғрисида бир неча бор гапиришимга тўғри келди. Энг аввало, деҳқончилик ва чорвачиликни интенсивлаш резервларидан ҳамда фаолиятнинг пудрат, ижара ва бошқа хўжалик ҳисоби формалари бераётган имкониятлардан фойдаланишни жамоат ва шахсий хўжаликни шартнома асосида кенг кооперациялашни ўз ичига олган комплекс ёндашув ана шу барча республикаларга, ўлкалар ва областларга хос хусусиятдир. Бу борада коллектив боғдорчилик ва томорқачиликни кенг ривожлантириш ҳисобига кўп нарсага эришилмоқда. Биз ана шу соҳадаги ҳар қандай чеклашларни олиб ташлайдиган қарорлар қабул қилдик.

Бироқ озиқ-овқат масаласини ҳал этишда нима учун бошқаларнинг ишлари унчалик юришмаяпти, яхшиланмаяпти? Мен ўйлайманки, бунда иш мамлакатнинг бир қанча зоналаридаги ва айниқса Россия Федерациясининг Ноқоратупроқ зонасидаги колхоз ва совхозлар дуч келган қийинчиликлар билангина боғлиқ эмас. Ахир ишлар яхши бораётган кўпгина областлар ана шу зоналарда жойлашган ва улар шунга ўхшаш қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Орёл ва Калуга областларини олиб кўринг. Бу областлар яқиндагина ғоят қийин аҳволга тушиб қолган эди. Шунга қарамай, ана шу областлардаги иш ўзгара борди ва яхшилик сари бирмунча зўр ғайрат билан ўзгара борди. Аминманки, яқин вақт ичида Ростов, Калинин ва бошқа областларда шунингдек Новгород, Псков, Киров сингари аҳвол анча оғир бўлган областларда ҳам муҳим ўзгаришлар рўй беради, бунинг учун ана шу областларда кўп иш қилинмоқда.

Энг муҳими — кадрлар ишидир. Мен энг аввало, колхозлар, совхозлар кадрларини назарда тутяпман. Партия, совет органлари, уларнинг позицияси, ишга муносабати, ғамхўрлиги ва ниҳоят ишнинг янги методларини ўзлаштириш маҳорати катта аҳамиятга эга.

Меҳнаткашлар иш учун жон куйдираётган, одамларга таянаётган, улар билан маслаҳатлашаётган, талаблари адолатли бўлган кишиларга эргашиб, уларни қўллаб-қувватлайдилар. Зотан, халқ ношуд раҳбарларни ёқтирмайди. Одамлар катта иш характер, ирода ва қобилиятни талаб қилишини яхши биладилар. Бу борада одамларни хафа қилмаслик, улар билан маслаҳатлашиш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳам муҳимдир.

Суҳбатлар чоғида мендан қайта қуриш тезроқ амалга оширилиши, ижобий ўзгаришлар рўй бериши учун меҳнат коллективлари, шаҳарлар ва районлар, округлар, областлар ва ўлкаларда яхшилик сари вазиятни қандай ўзгартириш мумкин, деб тез-тез сўрайдилар. Красноярск ўлкасида бўлган барча учрашувларда ҳам шундай савол беришди. Мен бундай деб жавоб бераман: туб иқтисодий ислоҳот, демократиялаш ва ошкоралик вужудга келтирган шароитлар барча долзарб муаммоларни, шу жумладан кадрлар муаммосини ҳал этиш имкониятини яратиб беради. Айни мана шу имкониятлардан фойдаланиш керак.

Ўртоқлар! Ўз нутқимда республикалар, ўлкалар, областлар меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини кенгайтириш уларнинг меҳнаткашлар олдида турган энг муҳим муаммоларни ҳал этиш учун масъулиятини ошириш билан бир вақтда рўёбга чиқарилиши тўғрисидаги фикрни неча бор таъкидлар эканман, бошқа нарса тўғрисида — мамлакат халқ хўжалиги барча бўғинларининг тармоқлар даражасида эмас, шу билан бирга республикалар, ўлкалар, областлар, меҳнат коллективлари даражасида ҳам ғоят мустаҳкам ўзаро боғлиқлиги тўғрисида гапиришим керак.

Агар қаердадир узилишлар рўй берса, нимадир юришмаса, буни шу вақтнинг ўзидаёқ бутун мамлакат сезади. Мен муболаға қилмаяпман. Бизнинг халқ хўжалигимиз яхлит ва ўзаро ғоят мустаҳкам боғланган халқ хўжалик комплексидир. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакат экономикасида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллаб турган сизнинг ўлкангиз сингари йирик регионлардаги узилишлар ёки қолоқлик айниқса, сезиларлидир. Ўлкада бутун иттифоқда ишлаб чиқарилаётган мис ва никелнинг учдан бир қисми, платина ва кобальтнинг асосий қисми, катта ҳажмдаги алюминий, ёғоч-тахта ишлаб чиқарилмоқда, яъни, ҳозирги замоннинг илмий ва техникавий тараққиётини, ғоят хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаришни ана шу асосий материалларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Энг муҳими шундаки, ўлка ҳозирги пайтдаёқ мамлакатнинг энг йирик энергетика базасидир ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолиши керак.

Ўлканинг ишлаб чиқариш потенциали янада оширилишидан бутун мамлакат ғоят манфаатдордир, кейинги ўн икки йил давомида ўлка экономикасини ривожлантиришга 33 миллиард сўмдан ортиқ давлат капитал маблағи сарфланганлигининг сабаби ҳам айни ана шундадир. Ўлкада халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган йирик Саян ва Канск-Ачинск территориал ишлаб чиқариш комплекслари ташкил этилмоқда. Сибирни ўзлаштириш кашшофлари бўлган минг-минглаб кишилар меҳнатининг рамзи бўлмиш Дивногорск, Лесосибирск, Норильск, Саяногорск каби янги шаҳарларнинг номлари одамлар онгига мустаҳкам кириб борди.

Кўп иш қилинди, ўртоқлар! Меҳнаткашлар эришган ютуқлар анчагина. Бугунги кунда ўлка олға томон сакраш қилиш учун қудратли илмий потенциалга, яхши базага эга. Красноярск ўлкасида кўплаб яхши, бутун мамлакатга машҳур ишлаб чиқариш ва илмий коллективлар ташкил топди ҳамда муваффақиятли ишлаб турибди. Бироқ, ўртоқлар, экономикадаги салбий ҳолатлар сизнинг ўлкангизни ҳам четлаб ўтмади. Бу эса ўлкада вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлиги анча пасайишига олиб келди. Бу нарса алоҳида хавотирлик уйғотади. Чунки у ўзаро боғлиқ тармоқларни ривожлантиришда, шунингдек ишлаб чиқариш соҳаси ва социал комплексини ривожлантириш суратларида кескин номутаносибликни вужудга келтирди. Ўлкани ривожлантиришнинг 1990 йилгача мўлжалланган улкан программаси амалда бажарилмаслиги мумкинлиги хавфи туғилмоқда.

Шу кунларда озиқ-овқат таъминотидаги камчиликлар тўғрисида кўпгина фикрларни эшитдим. Аммо ўлка катта имкониятларга эга. Бу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир киши ҳисобига мамлакатдаги ўртача даражага қараганда бир ярим баравар кўп экинзорлар тўғри келади.

Озиқ-овқат билан боғлиқ вазиятни изоҳлар эканлар, кўпинча қийинчилик туғдираётган Сибирнинг ўзига хос хусусиятларини, мазкур регионнинг табиий иқлим шароитларини важ қиладилар. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас, деб ўйлайман. Аммо биз рўй-рост гапирамиз, шунинг учун айтаманки, ўлкангизда яшовчи қариялар Минусинск олмалари ва тарвузларини, помидори ва асалини, Сибирь нонларини яхши эслайдилар. Сибирь ғалласини Россиянинг марказий районларига олиб бориш учун оширилган тарифлар белгиланганлиги ҳам тарихда сақланиб қолган. Бундай оширилган тарифлар «Челябинск тариф ўзгариши» деб аталмиш тарифда амал қила бошлаган эди. Чунки сибирлик деҳқонлар Россия марказида ғоят рақобатга бардошли эдилар. Эндиликда эса, афтидан, сизлардан маҳсулотни олиб кетмасликлари учун сизларга ҳам солиқ солиш керак **(кулги)**. Ерлар шунчалик кўп бўлган бир пайтда нима учун сизлар шаҳарликларнинг эҳтиёжини қондириб, барча истовчиларга ер бериб, боғдорчилик ва томорқачиликни ривожлантира олмаётганлигизни ҳеч бир тушуниб бўлмайди.

Энг аввало, ўлканинг халқ хўжалиги суст, асосан, экстенсив негизда ривожланаётганлигининг сабабини аниқлаш зарур. Илмий ишланмалардан ғоят суст фойдаланилмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш масалалари, Красноярск, Норильск, Канск-Ачинск комплексига, бошқа шаҳарлар ва посёлкаларга хавф солаётган экологик муаммолар суст ҳал этилмоқда.

Нутқнинг ушбу қисмини ижобий руҳда тугаллар эканман, ана шу муаммолар илмий марказда муҳокама қилинганлигини ҳисобга олиб, ўлка партия комитети хўжалик активлари билан биргаликда иш олиб бораётган аграр-саноат комплексини ривожлантиришга оид таклифларни ишлаб чиқишни давом эттириш зарурлигини айтмоқчиман. Бу биринчи галдаги вазифа.

Иккинчи масала — уй-жой муаммосидир. Яқин уч йил ичида қурилиш базасини шундай кўламларга олиб чиқиш кераккки, у уй-жой қурилиши салкам бир миллион квадрат метр кўпайтирилишини, яъни сўнгра уч миллион квадрат метрга етказилишини таъминласин. Қийин экологик муаммолар мавжуд. Уларнинг баъзилари фундаментал илм-фан ишланмаларини талаб қилади. Аммо жорий тусдаги муаммолар ҳам борки, бу борада маблағ билан таъминлаш зарур бўлган технологик ва техник ечимлар мавжуд. Красноярск ўлкаси бўйича комплекс программа, барча маҳаллий кучларни жамлаш зарур. Марказдан ҳам ёрдам берилиши керак. Мана шу барча ишларнинг муддати, ижрочилари белгиланиши ва бу ишлар амалга оширилиши лозим. Биз ҳам тегишли топшириқлар берамиз. Красноярск ўлкасига шундай программа, зарур, биз бу программани кўриб чиқамиз ва контрол остига оламиз.

Шуни яна бир бор айтиб ўтмоқчиманки, Красноярск ўлкасида рўй бераётган ўзгаришлар менда қайта қуриш ҳаммамиз учун қанчалик ҳаётий зарур эканлигига янада кўпроқ ишонч ҳосил қилади.

Улкан ишларингизда сизларга муваффақиятлар тилайман.

Ўртоқлар! Биз мамлакат ичкарисидаги ҳар қандай ривожланиш планларини муҳокама қилмайлик, уларни ташқи шарт-шароит билан — хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам, шунингдек иқтисодий ҳамда яқин ва олис қўшниларимиз билан бошқа хил алоқалар нуқтаи назаридан ҳам мунтазам қиёслашимиз зарур бўлганлиги учун бу ерда, Красноярскда халқаро ишлар тўғрисида гапиришни истардим.

Бу ерда, ушбу параллелда турган пайтимизда бутун Осиё қитъасидаги, Тинч ва Ҳинд океанлари ҳавзасидаги вазиятга назар ташлаш ўринлидир. Бундан икки йилдан сал кўпроқ вақт илгари Владивостокда биз дунёнинг мана шу улкан ва ғоят тез ривожланаётган ҳамда аҳолиси яқинда 3 миллиард кишидан ошган қисмидаги давлатлар ўртасида муносабатларни қайта қуриш программасини ўйлаб кўришга ҳаммани таклиф этган эдик. Мазкур программа кейинчалик турли воқеалар муносабати билан тўлдирилди ва конкретлаштирилди. Программа биз Ҳиндистон раҳбарияти билан ишлаб чиққан Деҳли декларациясида янада ривожлантирилди ва фалсафий-сиёсий жиҳатдан кенг асослаб берилди.

Буларнинг ҳаммаси тасодифан юзага келган тадбирлар эмас, ўртоқлар. Биз ўтмиш сабоқларини ва ҳозирги реалликларни ҳар томонлама пухта ўйлаб кўрдик, бошқа давлатларнинг, шу жумладан Осиёдаги социалистик мамлакатларнинг ғоялари ва ташаббусларини инобатга олдик, албатта. Биз ҳамма учун мақбул бўлган таклифларни ишлаб чиқар эканмиз, ҳамманинг манфаатларига баб-баравар дахлдор бўлган жиҳатларни изладик.

Можаро ва муҳолифлик тугунларини ечиш ҳамда ҳарбийлаштиришни жиловлаш муаммоларини биринчи ўринга қўйдик. Халқаро ҳамкорлик айрим мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан тез ва нотекис ривожланаётганлигидан орқада қолаётганлиги ана шу муаммолардан биридир. Бундай фарқнинг кучайиши келгусидаги ривожланиш жараёнини регион доирасида ҳам, шунингдек бутун жаҳон экономикаси доирасида ҳам муқаррар равишда жиддий хавф остига қўяди.

Мазкур регионда қандай қутблар пайдо бўлганлигини кўриб турибсизлар: бир томонда Япония, бошқа томонда Филиппин; бир томонда АСЕАН ва бошқа томонда Бирма ҳамда шу сингарилар. Бу ўринда пухта ўйлашни, халқаро муносабатларни соғломлаштиришни, бу муносабатларни ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик йўлига солиб юборишни тақозо этаётган кўплаб муаммолар юзага келмоқда.

Ер юзининг мана шу жуда кенг регионида жамики мураккаб муаммолар билан ҳозир зўр бериб шуғулланилмаган тақдирда Осиё ҳамда икки буюк океан ҳавзасидаги ғоят катта потенциалдан умумий тараққиёт ва бутун дунёда тинчлик мақсадларида фойдаланиш имконияти бой берилади. Бу имконият ҳатто унинг аксига регионал ва умумжаҳон зиддиятларининг хатарли равишда кучайиш манбаига айланиб қолиши мумкин. Шу боисдан ҳам бу ерда оқилона ва кенг қамровли ҳамкорликни ўз вақтида ва биргаликда йўлга қўйиш зарур.

Хуллас, биз ўзимизнинг Владивостокдаги ташаббусимизни таърифлай туриб, янгича тафаккурга амал қилдик. Баъзи бир кимсалар ўшанда бизнинг муддаоларимиз ҳамда таклифларимизнинг самимийлиги ва ҳалоллигини шубҳа остига қўйишга, ишни гўё Совет Иттифоқи тинчликсеварлик гап-сўзлари ниқоби остида навбатдаги экспансияни режалаштирди, деб кўрсатишга уриндилар. Эндиликда ашаддий антисоветизм руҳидаги бундай баҳолар билан баҳслашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ: турмуш уларни улоқтириб ташлади. Бизнинг Владивостокдаги ташаббусларимизни шу регионадаги давлатлар ғоят маъқуллаб кутиб олдилар.

(Давоми учинчи бетда).

ҲАРАКАТ ДАВРИ, АМАЛИЙ ИШ ДАВРИ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Ғоят масъулият билан яна бир бор шуни айтиб ўтмоқчиманки, Совет Иттифоқи ўзгаларга зиён етказиб, ўзи учун имтиёзлар, манфаатларни изламаяпти, ўзгалар ҳисобига устунликка эришишни мўлжаллаётгани йўқ.

Ҳа, биз ўзимизнинг Шарқий чегараларимиз хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қиляпмиз — дарвоқе, бу чегараларимиз ниҳоятда олисга чўзилган. Аммо қуролланиш пойгаси йўли билан эмас, балки душманликка, шубҳа-гумонга, ишончсизликка барҳам берувчи муҳитни вужудга келтира бориб, сиёсий ва иқтисодий воситалар билан хавфсизлигимиз тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдамиз. Мен шундай деган бўлур эдим: ҳамма жойда бўлгани каби бизнинг Осиёдаги сиёсатимиз ҳам ривожланиш йўлини эркин танлаш ва тинч-тотув яшаш принципларига асосланади. Бу ошкора сиёсат бўлиб, унинг махфий томонлари йўқ.

Осиё — Тинч океан мамлакатларининг кўпчилиги бизнинг сиёсатимизни, бизнинг ташаббусларимизни зўр қизиқиш билан кутиб олди. Кўпгина мамлакатлар жамоатчилигининг онгида Совет Иттифоқига нисбатан туб бурилиш бўлмаганда ҳам, ҳар ҳолда яхшилик сари муҳим силжиш рўй берди. Биз шу региондаги вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари бизнинг фикр-ўйларимиз, таклифларимизда тўғри акс этди, деган хулоса чиқаряпмиз.

Биз мазкур регион мамлакатларининг умумжаҳон ишларидаги активлиги ўсганлигини, мустақилликка интилишини, ўз муаммоларини икки томонлама ёки кўп томонлама асосда бартараф этиш, уларни ҳал қилиш имкониятларини мулоқот йўли билан излаш муддаосини мамнуният билан қайд этиб ўтамиз.

Шу вақт мобайнида мамлакатимиз региондаги кўпчилик давлатлар билан мулоқот ўрнатди. Уларнинг баъзилари билан юқори ва олий даражада мулоқотлар қилинди. Биз давлат йўли билан шундай алоқалар боғладикки, бизда бундай алоқалар ҳеч қачон бўлмаган эди. Икки томондан сарфланган куч-ғайратлар туфайли алоқалар тобора сермазмун ва истиқболли бўлиб борди. Бунда мана шуларнинг ҳаммаси яққол тенг ҳуқуқли, рўй-рост тусда бўлиб, шунинг ўзиёқ халқаро муносабатларни замонавий принциплар асосида умумий қайта қуришга ҳисса бўлиб қўшилади.

Кейинги йилларда Совет — Ҳиндистон муносабатлари ғоят катта халқаро аҳамиятга молик бўлган доимий амал қилувчи ижобий омилга айланиб қолди. Деҳлида олий даражада ўтказиладиган навбатдаги учрашув биз кутаётганимиздек, шу қадар хилма-хил ва нуфузли икки давлатнинг ноёб дўстона ҳамкорлигини шу давлатлар халқларининг бахт-саодати, ялпи хавфсизлик манфаатларини кўзлаб мустаҳкамлаш йўлида қўйиладиган катта қадам бўлади.

Осиё — Тинч океан регионидаги сиёсий муҳит ўзгармоқда. Умид бағишловчи конкрет белгилар ҳозирдаёқ оз эмас. Айтиш мумкинки, ўзаро хавфсизликка интилишдан далолат бераётган маълумотлар бу ерда тобора кўпайиб бормоқда. Бизнингча, қўшилмаслик ҳаракати ҳам шу регион томон назар ташламоқда. Бу ҳаракат, афтидан, шу регионнинг тақдирида ўзининг мустақил ролини ўйнаши лозим бўлади. Ҳозир қўшилмаслик ҳаракати ташқи сиёсий жараёнларга кўпроқ жўшқинлик бағишлаш учун бирмунча самарали фаолият механизмини изламоқда. Ҳар ҳолда биз маҳаллий можароларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олишда қатнашиш истагини кўриб турибмиз.

Умуман, ўртоқлар, шундай демоқчиманки, Владивостокдан кейин унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, биз ҳозир мана шу ғоят катта регионда соғлом, шубҳасиз ижобий ва ниҳоятда умидбахш жараён авж олиб бораётганини кўриб турибмиз. Бу — умуминсоний ва миллий манфаатларнинг бир-бирига боғлиқлиги кучайиб бораётганининг, биз яшаб турган дунё яхлитлиги тобора кўпроқ англаб олинаётганининг исботидир. Биз бунда ўз ролимизга реалистик баҳо берамиз. Шунга қарамай, бизнинг бундаги ҳиссамиз анча деб ўйлайман ва барча мамлакатларнинг халқлари бунга қандай баҳо беришаётганини кўриб турибмиз.

Америка Қўшма Штатлари бу хусусда қандайдир шубҳа билдирмоқда ва у Осиё — Тинч океан регионини мамлакатларининг халқлари ҳамда ҳукуматлари ўртасида ана шундай шубҳа-гумон уруғини сочишга уринмоқда. Ушбу регион давлатларининг ўзида эса сиёсатимизнинг моҳияти кўпроқ англанмоқда.

Афғонистон муаммоси ҳал этилганлигини мисол тариқасида айтиб ўтаман. Бу ҳол Осиё — Тинч океан регионидаги жараёнларга ҳамда мазкур регион ҳукуматлари ва давлатларининг сиёсатимизга анча холис баҳо беришларига кучли таъсир ўтказди. Афғонистонга доир Женева битимларига эришилганлигининг ўзиёқ бошқа маҳаллий можароларни бартараф этиш йўлларини излаб топишга хайрли таъсир ўтказганлигини ҳамма эътироф этди. Ҳозирги вақтгача Кампучия, Вьетнам, Лаос, шунингдек, Индонезия ва АСЕАНга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг куч-ғайратлари натижасида Кампучия теварагидаги вазиятни бартараф этиш тўғрисидаги масала анча олға силжимоқда. Яқинда Жакартада ўтказилган ғайрирасмий учрашув жуда ибратли намуна бўлиб, муҳим воқеага айланди. Совет Иттифоқи Кампучияга доир битимларга тезроқ келишилишига бундан буён ҳам кўмаклашишга тайёрдир. Хитой билан Вьетнам ўртасидаги бевосита музокаралар бу муаммони ҳал этишда ва умуман Осиёдаги вазиятни яхшилашда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

Эрон билан Ироқ ўртасида 8 йил давом этган ва вайронгарчиликлар келтирган фожиали уруш тўхтатилди. Бутун жаҳон ҳамжамияти буни енгил нафас олиб қабул қилди. Ўйлайманки, (фақат шу муносабат билангина эмас, албатта) Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, БМТ Бош секретарининг ўзига муносиб баҳо бериш керак. БМТ яна кучга тўлиб, унинг роли ортиб бораётганлиги шонли ва қувончлидир. Биз шу халқаро ташкилотнинг обрў-эътиборини сақлаш ва унинг ролини ошириш учун ҳамма ишни қиламиз.

Ҳозир Яқин Шарқда рўй бераётган жараёнлар ҳам пировард натижада мана шу қаттиқ тугунни ечишга олиб келади, деб умид қиламиз. Жаҳондаги жуда кўп кишиларнинг фикрича, айни кейинги бир ярим-икки йил ичида энг муносиб йўл — халқаро конференцияни чақириш йўли ишлаб чиқилган.

Гарчи Корея ярим оролида Шимол билан Жануб ўртасида мулоқот бошлаш нишоналари кўзга ташланиб қолган бўлса-да, бу ердаги вазият мураккаблигича қолмоқда.

Ташқи сиёсатимизнинг устун йўналиши ҳақида — социалистик мамлакатлар билан муносабатлар тўғрисида гапириладиган бўлса, бунда Европада ҳам, Куба билан ҳам баҳамжиҳат ҳаракатимиздаги сифат жиҳатларининг кучайганлигини таъкидлай оламиз. Эндиликда биз ўзаро алоқаларимиздаги муаммоларни, ҳар бир мамлакатнинг манфаатларини ва дўст давлатларнинг муштарак манфаатларини кўзлаб биргаликда ҳал этишимиз лозим бўлган жуда муҳим ва узоқ муддатли вазифаларни анча яхшироқ кўриб турибмиз. Икки буюк социалистик давлатда содир бўлаётган қудратли янгиланиш жараёнлари давомида Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасидаги туташув нуқталари кўпаймоқда. Мана шу социалистик давлатларда ғоят чуқур ички ўзгаришлар рўй бермоқда. Шуни таъкидлашимиз мумкинки, халқларимиз ўртасидаги муносабатларда хайриҳоҳлик ва ишонч тобора кучаймоқда, улар бир-бирига яна ғоят қизиқиб қарамоқдалар ва бу қизиқиш янги мазмун билан бойимоқда, айтишим мумкинки, ўзаро жозиба кучаймоқда. Кампучия теварагидаги аҳволни бартараф этиш юзасидан яқинда Пекинда ўтказилган икки томонлама амалий учрашув мазкур масала хусусида ҳамжиҳатлик доирасини муайян даражада кенгайтирди ва айни вақтда Совет — Хитой муносабатларини яхшилаш ишига хизмат қилди.

Биз Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни батамом нормаллаштириш, бу муносабатларни иккала мамлакатимизнинг жаҳон сиёсати учун масъулиятига мос келадиган даражагача ривожлантириш тарафдоримиз. Олий даражадаги Совет — Хитой учрашувига тайёргарликни ҳеч кечиктирмай бошлаб юборишга шаймиз.

Олий даражадаги Совет — Австралия учрашуви Тинч океан жанубий қисмидаги мамлакатлар билан муносабатларда принципиал бурилиш бўлди. Шу учрашув ўз мазмунига ва ундаги сиёсий омилга кўра, регион доираси билангина чекланиб қолмайди.

АСЕАН мамлакатлари, аввало Индонезия, шунингдек, Филиппин, Малайзия билан муносабатларимиз муттасил кучайиб бормоқда. Таиланд билан фойдали мулоқот бошланди, бу мамлакат билан муносабатларимиз узоқ вақт келишмаётган эди. Биз дунёнинг шу қисмидаги барча давлатларнинг катта-кичиклиги ва ижтимоий тузумидан қатъи назар улар билан ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли муносабатларни кенгайтириш тарафдоримиз.

Совет — Япония муносабатлари бу ердаги бутун вазият учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиздир. Япониянинг бир қанча таниқли сиёсат арбоблари — М. Исибаси, С. Абэ, Т. Фува, Т. Дои билан учрашувларим, шунингдек, Япониянинг жамоат ташкилотлари ҳамда маданият арбоблари билан хат ва мактублар айирбошлаш турғунликни бартараф этиш йўлидаги муаммоларни ҳам, имкониятларни ҳам яхшироқ кўришга кўмаклашди.

Ясухиро Накасонэ билан яқинда бўлиб ўтган рўй-рост суҳбат икки томонлама манфаатлар ва регион манфаатлари мутаносиблиги негизида муносабатларимизни кучайтириш учун замин ҳам, ўзаро интилиш ҳам мавжудлигига менда янада кўпроқ ишонч ҳосил қилдирди. Бўлажак сиёсий мулоқотлар чоғида бу ижобий иш давом эттирилишига, Япония — Совет муносабатларини нормал ривожланиш ўзанига олиб чиқиш имконини беришига умид қиламиз.

Совет Иттифоқидагилар Япония губернаторлари миллий кенгаши билан алоқалар қайта тикланганига, Япония савдо-саноат доиралари ўз мамлакати СССРнинг етакчи савдо-иқтисодий шерикларидан бири бўлиб қолишига яна қизиқиб қараётганлигига муносиб баҳо бердилар. Гуманитар ва балиқ овлаш соҳасида мавжуд бўлган, ишончни мустаҳкамлашга халақит бераётган муаммоларни эса бартараф этиш мумкин, деб ўйлайман. Аммо Қўшма Штатлар билан «юкка шерик бўлиш» оқибатида Япония ўз ҳарбий потенциалини зўр бериб кучайтираётгани совет кишиларини, қолаверса, Япониянинг бошқа узоқ ва яқин қўшниларини ташвишга солаётганини қайд этмасдан ўта олмайман.

Ялпи миллий маҳсулотнинг бир процентини ҳарбий мақсадларга сарфлаш камдек кўринади. Аммо унинг реал ҳажми мамлакатнинг кучайиб бораётган иқтисодий қудрати билан бирга эътиборга олинадиган бўлса, ҳозироқ ана шу бир процентнинг ўзи одамни жиддий ўйлантириб қўяди. Ҳозирги дунёда милитаризмга таянмай ҳам буюк давлат статуси сари бориш мумкинлигини японлар исботлаб қўйишди, деса бўлади. Бутун инсоният учун шу қадар ибратли ва ноёб бўлган бу тажрибани обрўсизлантиришнинг нима ҳожати бор? Дунёнинг деярли ҳамма жойида Япониянинг иқтисодий соҳадаги иштирокидан иборат одатдан ташқари ғайрат-шижоатни халқлар кўз ўнгида урушдан аввалги ва уруш вақтидаги тарихий тасаввурлар билан оғирлаштиришга на ҳожат? — деган саволлар туғилиши табиий.

Биз Осиё — Тинч океан регионига доир муаммолар хусусида Қўшма Штатлар билан боғланиш нуқталарини зўр бериб излаяпмиз. Бунда жаҳон сиёсатининг бошқа баъзи муҳим соҳаларидан фарқли ўлароқ, бу ерда нима учун ҳамжиҳатликка эриша олмаяпмиз, деган саволни тез-тез беришга тўғри келмоқда. Бизнинг давлат манфаатларимиз тўқнаш келмаяпти, шекилли. Биз АҚШнинг кенг ёйилган иқтисодий алоқаларига ола қараётганимиз ҳам йўқ. Ҳамма жойда биз реалликлар билан ҳисоблаша билишимизни ҳозирдаёқ исботлаган бўлсак керак. Хўш, гап нимада?

Биз Қўшма Штатларнинг Осиё — Тинч океан регионидаги ишларда ўз мавқеига, сиёсий ва иқтисодий имкониятларга муносиб равишда тўла-тўкис иштирок этиши тарафдори эканимизни айтишимга ва ҳатто бу нарса назардан қочирилганида шуни эслатиб ўтишимга тўғри келган эди. Лекин буюк давлатчилик муддаоларисиз ва кучни пеш қилмай, тенг ҳуқуқли асосда иштирок этишига тарафдоримиз. Буюк давлатчилик муддаолари ва кучни пеш қилиш усуллари тарих диссертацияларидан жой олади.

Кескинликни камайтириш, қурол-яроғларни қисқартириш ва ҳарбий сиёсатни шунга мувофиқ равишда ўзгартириш бутун дунёда бўлгани каби мана шу регионда ҳам вазиятни соғломлаштириш калитидир. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир шартнома бунда ҳам ҳарбий қарама-қарши туришда биринчи туйнукни очишга ёрдам берди. Тинч аҳолига қарши атом қуроли қўлланилган Осиё учун бу воқеа алоҳида, рамзий маънога эга. Бу йўналишда ҳаракат қилиб бориш учун янгича ёндашувларни излайверишга тайёрмиз.

Фикр-мулоҳазалар ва қўшимча таҳлил натижасида Совет раҳбарияти Умумосиё хавфсизлиги ишини олға силжитишга интилиб, баъзи **янги таклифларни** киритади.

Биринчиси. Совет Иттифоқи Осиё ва Тинч океан мамлакатларининг безовталигини тушуниб, бу регионда ҳар қандай ядро қуроли миқдорини кўпайтирмайди (у бир мунча вақтдан, буён шунга амал ҳам қилиб келмоқда) ҳамда АҚШга ва ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларга мурожаат қилиб, бу ерда шундай қуролни қўшимча равишда жойлаштирмасликка чақиради.

Иккинчиси. Бу ерда ҳарбий-денгиз кучларини кўпайтирмаслик тўғрисида региондаги асосий ҳарбий-денгиз давлатлари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказишни таклиф этамиз.

Учинчиси. СССР, ХХР, Япония, КХДР ва Жанубий Кореянинг соҳиллари бир-бирига яқинлашадиган районларда ҳарбий қарама-қаршиликни пасайтириш тўғрисидаги масалани кўп томонлама асосда муҳокама қилиб, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучларини кўпайтирмаслик ҳамда уларни баб-баравар даражада қисқартириш, шу кучларнинг активлигини чеклаш мақсадини кўзлашни таклиф этамиз.

Тўртинчиси. Агар АҚШ Филиппиндаги ҳарбий базаларини тугатишга рози бўлса СССР ВСР ҳукумати билан келишиб, Камрань қўлтиғида флотни материал-техника билан таъминлаш пунктидан воз кечишга тайёр бўлади.

Бешинчиси. Региондаги денгиз ва ҳаво коммуникацияларининг хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб, очиқ денгизда ва унинг устидаги осмонда можароларнинг олдини олиш чораларини биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Ана шу чораларни ишлаб чиқиш чоғида ҳозирдаёқ мавжуд бўлган икки томонлама Совет — Америка ва Совет — Англия аҳдномалари, шунингдек уч томонлама — АҚШ — СССР — Япония аҳдномаси тажрибасидан фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Олтинчиси. 1990 йилдан кечикмай, Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисида халқаро конференция ўтказиш зарур. Маълумки, БМТда шундай конференцияга тайёргарлик ишлари асосан тугалланган.

Еттинчиси. Осиё — Тинч океан регионидаги хавфсизликка тааллуқли бизнинг таклифларимизни ва бошқа ҳар қандай таклифларни кўриб чиқиш учун музокара механизмини вужудга келтириш тўғрисидаги масалани исталган даражада ва исталган составда муҳокама этишни таклиф қиламиз. БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сифатида СССР, ХХР ва АҚШ ўртасида шундай муҳокамани бошлаш мумкин бўлур эди.

Ҳозирдаёқ ҳарбийлар ўртасидаги мулоқотларнинг фойдали эканлигини кўрсатувчи муайян тажриба мавжуд. Генераллар, адмираллар бир-бирига дурбин орқали қарамай, балки музокаралар столи атрофида юзма-юз ўтирганларида анча осойишталик бўлади. Ҳарбий фаолиятнинг кенг жабҳаси улар ўртасидаги музокараларнинг мавзуси бўлиши мумкин эди. Буни ҳарбий жиҳатдан энг катта давлатлар вакилларининг учрашувидан бошлаш мумкин.

Мамлакатлар бир-бирини яхшироқ билиши ва тушуниши жуда муҳимдир. Ўшанда ўз хавфсизлиги хусусида умуман мутлақо тушунарли ташвиш камаяди. Ишонч, тушуниш ортиб боради.

Стратегик ядро қуролини камайтириш тўғрисидаги Совет — Америка музокараларининг истиқболлари, яъни бутун дунёда хавфсизликнинг тақдири боғлиқ бўлган масалани айни шу ерда, Красноярскда тилга олиб ўтишни ўринли, деб ҳисоблайман. Гап шаҳрингиз яқинидаги радиолокация станцияси ҳақида боряпти.

Биз ана шу радиолокация станциясининг характери ва белгиланган мақсади ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш тўғрисидаги 1972 йилги шартномани бузмаслигини исботлаш учун кўп иш қилдик. Ҳатто бу ерга Америка конгресси аъзоларини таклиф этдик. Ўша эслатиб ўтилган ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш тўғрисидаги шартномага риоя этиш хусусида аҳдлашувга эришишга муваффақ бўлинган тақдирда бу станциянинг ускуналарини кўчириб олишга тайёр эканлигимизни билдирдик. Аммо Красноярск радиолокация станцияси теварагида уйдирмаларни ва чайқовчиликни авж олдириш давом этмоқда. Бу эса Женевадаги музокараларнинг боришига тўсқинлик қилмоқда. Афтидан, бу нарса кимгадир наф келтирса керак. Биз шундай ишлар билан шуғулланаётган кимсаларни узил-кесил фош қилишга, астойдил ташвишланаётган кишиларга эса уларнинг шубҳа-гумонлари асоссиз эканлигини рад этиб бўлмайдиган далилини беришга қарор қилдик. Шу қарор ҳақида биз АҚШ президентини хабардор қилдик.

Биз Красноярск радиолокация станцияси негизида космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланиш учун халқаро ҳамкорлик марказини тузишни таклиф этамиз. Шу марказни жаҳон космик ташкилоти системасига қўшишни ҳам таклиф этамиз. Бундай ғояни Ғарбнинг мўътабар доиралари қабул қилди. Ушбу лойиҳага қизиқиб қарайдиган барча мамлакатларнинг олимлари билан маслаҳатлашувга тайёрмиз.

Ғарбнинг Красноярск станцияси хусусидаги ташвишига бизнинг жавобимиз мана шундай. Аммо Гренландияда ва Буюк Британияда Американинг радиолакация станциялари қурилиши хусусида биз ҳамон ташвишланиб турибмиз. Мутахассислар ана шу радиолокация станциялари ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш тўғрисидаги Шартномани бевосита бузишдан иборат демоқдалар. Бизнинг ташаббусимизга жавобан Вашингтондагилар тегишли чораларни кўрадилар, деб кутамиз.

Осиё—Тинч океан регионига қайтиб, бу регион фақат қурол-яроғлар билангина ғоят тўлиб-тошганлигидан ташқари, унга бошқа бир тез кучайиб бораётган хавф-хатар — экологик булғаниш ҳам таҳдид солаётганини айтиб ўтишим керак. Бу муаммони ҳамма яхши тушунади. Бу соҳада регионал ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида ўйлаб кўриш пайти аллақачон келган. Эҳтимол, аввалига экспертларнинг махсус конференциясини чақириш керакдир. Бу конференция бизнинг муштарак муаммоларимиз нақадар кўплигини, биз ҳаммамиз бир-биримиз билан нақадар боғлиқ эканлигимизни, бинобарин эса биргаликда ҳаракат қилишимиз кераклигини ҳам кўрсатишига ишончим комил.

Миллий анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш соҳасида, табиий офатларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш каби муҳим мавзулар ҳам кун тартибига қўйилиши лозим.

Хуллас, Осиё—Тинч океан ҳавзасида янгича муносабатларни барпо этишга дастлабки ёндашувларни муҳокама этиш учун барча манфаатдор (ёки шуни истайдиган) давлатлар ташқи ишлар министрларининг учрашувини уюштирса бўлмайдими, деган фикр юзага келмоқда.

Биз Осиё — Тинч океан мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигига доир конференциянинг фаолиятини қизиқиш билан кузатиб бордик, шу конференциянинг яқинда Осакада ўтказилган сессиясини табрикладик, мазкур халқаро ташкилотнинг аъзолари мақбул топадиган ҳар қандай шаклда унинг ишига қўшилишга тайёрмиз. БМТнинг турли ташкилотлари — Осиё ва Тинч океан учун иқтисодий ва социал комиссия билан Ғарбий Осиё учун иқтисодий ва социал комиссия ҳам кўпроқ фаоллик кўрсатишлари зарур.

Гўё, биз Владивостокда айтилган ғояларни рўёбга чиқаришда ўзимизнинг ҳамма ишимиз жойида, деб ҳисоблаётган эканмиз-да, деган таассурот вужудга келишини истамасдим. Фақат ташқи вазиятларгина халақит берди, демоқчи эмасман. Биз бундай хулоса чиқаришдан йироқмиз. Дарвоқе, бу нарса мен ўз нутқимнинг биринчи қисмида — муаммоларимиз ва қийинчиликларимиз тўғрисида айтган гапларимдан келиб чиқади. Лекин биз олисга назар ташлаймиз. Туб иқтисодий ислоҳот ва сиёсий системани қайта қуриш Сибирь билан Узоқ Шарқни, Ватанимизнинг мана шу буюк ва истиқболли муносиб таркибий қисмларини замонавий асосда тараққий эттиришнинг ғоят кенг миқёсларини таъминлайди. Бу нарса қўшниларимиз ва анча олисроқ давлатлар истаган тақдирда Осиёнинг шу қисмида иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, экологик ҳамда бошқа алоқаларнинг нафақат пишиқ, балки кўркам матосини биргаликда тўқиш имконини беради. Биз Владивосток программасининг имконияти асло тугамаганлигига асосланамиз.

Ташқи иқтисодий алоқаларга жўшқинлик бағишлаш мақсадида ва мамлакат шу районларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, ҳозир биз «имтиёзли режим» деб аташ мумкин бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқаяпмиз.

— Бу ерда жойлашган корхоналар, ташкилотлар ва ишлаб чиқариш кооперативларига бевосита ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини беришни;

— «Узоқ Шарқ коэффициенти» — валюта маблағларининг бир қисмидан коллективларни социал ривожлантириш эҳтиёжлари учун, шу жумладан халқ истеъмол молларини чет эллардан харид қилиш учун фойдаланиш ҳуқуқини жорий этишни;

— соҳил бўйи ва чегара бўйи савдосида қатнашаётган корхоналарга улар тежаб қолган барча хом ашё ва материалларни экспорт қилиш учун фойдаланиш имкониятини беришни;

— корхоналаримизга бошқа мамлакатларнинг корхоналари билан бевосита алоқа ўрнатишга рухсат беришни, кооперативлар эса бунинг учун ўлка ижроия комитетлари ва область ижроия комитетларидан рухсатнома оладилар;

— келишиб олинган шартлар асосида ташкил этилган қўшма корхоналарни мамлакатнинг бошқа районларидаги корхоналарга нисбатан бирмунча узоқ муддат фойдадан солиқ тўлашдан, шунингдек уларнинг реинвестициясини социал ривожланиш фондларига солиқ тўлашдан озод қилишни;

— қўшма корхоналарда иш ҳақини дирекция ва касаба союзларининг ўзи белгилашига рухсат беришни ўйлаяпмиз.

Биз Узоқ Шарқда махсус «биргаликда корхоналар қуриш зоналари»ни барпо этишни ўйлаб кўраяпмиз. Ана шундай зоналарда божхона солиғи ҳамда ташқи иқтисодий битимларга лицензия бериш ва солиқ солишнинг имтиёзли режими, табиат ва меҳнат ресурслари учун пасайтирилган ҳақ тўлаш амал қилган бўлур эди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришда маҳаллий ҳокимият органларининг ролини кенгайтиришга рухсат берамиз. Узоқ Шарқдаги маҳсулотни экспорт қилувчи корхоналар оладиган валюта ажратмаларининг бир қисми маҳаллий ҳокимият органларининг ихтиёрида қолади. Афтидан, Узоқ Шарқда ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш учун регионал орган тузиш тўғрисидаги масала ҳам етилди.

Хитой матбуотининг ўзаро манфаатли шартлар асосида уч томонлама — Хитой — Япония — Совет иқтисодий фаолиятини бошлаш имкониятлари тўғрисидаги мақоласи Совет Иттифоқида эътиборни жалб этди. Биз бундай ёндашувни маъқуллаймиз. Барча томонлар тайёр бўлган тақдирда ана шу ғоялар амалга оширилиши учун уларни ишлаб чиқиш мумкин бўлур эди.

Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, биз Амур, Чита областларида ва Приморье ўлкасида Хитой томони билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва бу ерда ўзаро ҳамжиҳатлик принциплари асосида граждан объектлари қурилишида қатнашиш тўғрисида келишиб олишга тайёрмиз.

Корея ярим оролидаги вазиятни умуман соғломлаштириш орқали Жанубий Корея билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш учун ҳам имкониятлар яратилади, деб ўйлаймиз.

Аминманки, ҳамкорликнинг биз учун янги, кўп томонлама шаклларидаги силжиш оммавий чет эл туризмини ривожлантириш учун ҳам моддий ва психологик негизни вужудга келтиради.

Биз ҳозирдаёқ ўзининг таъсирчанлигини исботлаган халқ дипломатиясини кундалик турмушга дадилроқ жорий этиш, одамлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш тарафдоримиз. Шу муносабат билан Осиё—Тинч океан регионида учун халқлар ўртасида маданий мулоқот марказини ташкил этиш тўғрисида ўйлаб кўриш зарур. Миллий бўлимлари бўладиган мазкур жамоат ташкилотини тузишдан мақсад билим ва фаолиятнинг хилма-хил соҳаларида лойиҳалар ишлаб чиқиш, турли мамлакатлар олимлари, студентлари, оддий гражданлари ўртасидаги алоқаларга кўмаклашиш, биргаликда гуманитар, экологик соҳаларда тадқиқотлар ўтказишдан иборат бўлур эди.

Азиз ўртоқлар! Биз дунёнинг буюк Осиё—Тинч океан қисми келажагининг йўл бошида турибмиз, холос. Ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Биз қийинчиликларга ҳам, тўсиқларга ҳам, одатдан ташқари янги жиҳатларга ҳам дуч келамиз. Аммо тажриба ва маҳорат тўплаб, қатъият билан олға томон қадам-бақадам бораверамиз. Иш шундай қилишга лойиқдир.

Планетанинг ҳар бир тонги шарқдан бошланади, образли қилиб айтганда, айниқса Сибирни эътиборга олганда, сизлардан унча узоқ бўлмаган Тинч океан тўлқинларида тонг отади. Буни мен Красноярск ўлкаси, Тинч океан бўйлаб самолётда учганимда ҳис этдим.

Ҳар бир кун бизни қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш йўлидан, тинчлик ва халқлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш йўлидан олға томон олиб бориши учун ишлайверамиз!

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Во Ти Конг СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан 19 сентябрь куни Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Афғонистон Республикаси Бош министри Муҳаммад Ҳасан Шарқ Совет ҳукуматининг таклифига биноан 19 сентябрда расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Внуково аэродромида уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. В. Тализин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Тошкент Олий партия мактабининг партия, совет ва идеология ходимлари малакасини ошириш факультетида шаҳар ҳамда район газеталари редакторлари, республика ҳамда область газеталари ва журналларининг бўлим мудирлари, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети редакторларининг ўқуви ниҳоясига етди.

Тингловчилар машғулотларда партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосида марксча-ленинча назариянинг, КПСС сиёсатининг долзарб масалаларини ўргандилар. Ҳозирги босқичда партия иқтисодий ва социал сиёсатининг муаммолари ҳам муҳокама қилинди.

Ўқув программасида партия анжуманлари қарорларини амалда рўёбга чиқариш, совет жамиятини янада демократиялаш ва сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш муаммолари ва масалаларини ёритиш юзасидан оммавий ахборот воситаларининг вазифаларини муҳокама қилишга алоҳида ўрин берилди.

Тингловчилар ҳузурида партия, совет ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, республика газеталарининг редакторлари сўзга чиқишди.

Тингловчилар социализмни янгилаш, консерватизм, бюрократизм ва турғунлик даври бошқа қусурларини бартараф этишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган семинар машғулотларида, янгича сиёсий фикрлаш, социалистик қонунчилик ва демократияни мустаҳкамлашнинг проблемалари юзасидан мунозарали учрашувларда фаол қатнашдилар. Марказий газеталарнинг мухбирлари билан бўлган учрашув чоғида қайта қуриш шароитида оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳақида гап борди.

Республика, область ва район газеталари редакцияларида ўтказилган стажировка вақтидаги амалий машғулотларда тингловчилар қайта қуриш шароитида редакциялар ишини планлаштириш тажрибаси билан танишдилар.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

Куч-ғайратларни бирлаштириб

Халқ депутатлари Охунбобоев ва Ёзёвон район Советларининг қўшма ташкилий сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда М. Аҳмадхўжаев халқ депутатлари Охунбобоев район Совети ижроия комитетининг раиси этиб сайланди. Шу йириклаштирилган районнинг маркази қаерда бўлиши яширин овоз бериш йўли билан аниқланди. Район маркази Лангар қишлоғида жойлашади. Сессиянинг қарорига биноан бу қишлоққа республиканинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев номи берилди.

Охунбобоев райони аҳоли сони жиҳатидан Фарғона областидаги энг катта районларнинг бири бўлиб қолди — бу ерда бир юз олтмиш мингдан зиёд киши яшайди. Унинг территориясида 112 та аҳоли пункти, ўн тўққизта қишлоқ Совети, бир юз саксонтадан кўпроқ корхона ва ташкилот жойлашган. Бу ерда салкам етмиш беш минг тонна «оқ олтин» етиштирилади.

Сессияда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров нутқ сўзлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Айрим сайлов округларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайланганлиги тўғрисида АХБОРОТ

1988 йилнинг 18 сентябрида тўртта сайлов округида ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари сайланди.

Қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари этиб сайландилар:

Тошкент шаҳридаги 33-Университет сайлов округидан — В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректори ўртоқ Шавкат Орифжонович **Алимов**;

Наманган областидаги 289-Унҳаёт сайлов округидан — Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитетининг раиси ўртоқ Санобар Назиржоновна **Исмоилова**;

Хоразм область 472-Калинин сайлов округидан — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти ўртоқ Олег Владимирович **Лебедев**;

Қорақалпоғистон АССР 507-Чимбой шаҳар сайлов округидан — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Николай Васильевич **Мачтаков**.

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 19 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	7,4	114,7
Сирдарё	6,9	104,0
Тошкент	5,1	101,4
Сурхондарё	6,4	90,6
Наманган	6,9	83,1
Хоразм	4,5	68,7
Қорақалпоғистон АССР	7,1	67,3
Бухоро	8,1	58,0
Андижон	3,8	54,2
Самарқанд	8,9	41,5
Фарғона	6,4	32,6
Республика бўйича:	6,6	79,3

Усмон Носир таваллудининг 75 йиллигига

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Усмон Носир ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузидир.
Акмал ИКРОМОВ.

Усмон Носир ўтган йўлларида чаман унган, қалами Навоий, Фузулий, Бобур, Фурқат нафасини уфурган, Данте, Петрарка муҳофазаларини эслатган, Пушкин, Лермонтовларни ўзбек тилида гапиртирган шоир!

Усмон Носир йигирма еттимас, бугун нишонлаётганимиз етмиш беш йил умр кўрганида китоб жавонларимиз унинг асарларидан тирсиллаб кетар эди. Бироқ у, етти йилгина адабий умр кўрди, шу етти йил ичида беш китоб, уч достон, тўрт драма ёзди, Пушкин, Лермонтов, Гейне, Гёте, Байрон Добролюбов асарларини таржима қилди. Етти йилда бир шоирга шунча дурдона ярат иб, халқи қалбида мангу қолиши ҳайратомуз эди! Агар у бугунгидек етмиш беш йил умр кўрганида, дарҳақиқат, тасаввур этиб бўлмас даражада буюк асарлар яратган бўларди.

Йигирма беш ёшидаёқ адабиётимизнинг ифтихорига айланиб қолган шоирнинг бирдан пайдо бўлиб, юлдуз ўчгани сингари бирдан йўқолиши албатта фожеа эди. Уни кўрган, уни билган, уни севиб қолган устозлари, сафдошлари ва шогирдлари учун бу тағин ҳам ҳаяжонли ва дардлидир. Улар аминдирларки, у ўзи билан қанча-қанча буюк асарларни олиб кетди! Чунки, у биз бугун фахр билан тилга олаётган асарларини ҳамиша «ҳали бу машқларим, шоҳ асарлар ҳали олдинда», дер эди. У ташна кетди, ана шу асарларини ёзолмай кетди. Нақадар яхши кўрарди ҳаётни, шеъриятни! Шеър билан гапирарди, шеър билан бирга юрарди, шошиб ёзарди, ҳар куни бир кашф қиларди, гоҳ «Юрак», гоҳ «Нил ва Рим», гоҳ «Исроил», гоҳ «Коммунага состав шундан ўтади», гоҳ «Карвон боради», гоҳо «Гулзор чаман, юр боғларга», гоҳ «Монолог», гоҳ «Тожихон»,... «Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади» деб бекор айтмаган у.

Битган шеърини ўқишга дўст қидирарди, гоҳ редакцияларда, гоҳ хиёбонларда, гоҳо ўқув юртларининг ётоқхоналарида одамларни ҳайратга солиб шеър ўқиб турганини кўрардик. У биз яшайдиган ётоқхонанинг ҳам суюкли меҳмони эди, кашфларини биз биринчи бўлиб тинглар, олқишлар, ҳайратланар, кузатар эдик. Унинг бу асарлари ҳақида танқидчилар, адабиётшунослардан олдин бизнинг мақтовларимиз, ҳаяжонларимиз тилдан-тилга кўчарди! Бу дилрабо, бу жўшқин, исёнкор, зариф шеърлар бизнинг муҳаббатимиз ва ифтихоримиз билан қанотланиб редакцияларга борарди. Ҳали юқорида мен такрорлаган шеърлар ёд бўлиб, тиллардан-тилларга кўчарди. Одамлар «Нахшон» достонини, «Юрак», «Меҳрим» китобларини бутунлай ёд биларди!

Усмон Носир мана шунақа севимли шоир эди! У шеър ўқиганда гўё олам бирдан тиниб қоларди, фақат унинг овозигина эшитиларди! «Усмонни тингламай бўлмасди, — деб эслайди унинг қадрдони, бирга шеър шайдоси бўлиб ҳамнафас юрган, бугун таниқли санъаткор Муҳсин Ҳамидов, — ўша вақтлари элга машҳур бўлиб қолган Ғафур Ғулом ҳам, Ҳамид Олимжон ҳам ҳайратда тинглашарди уни. Унинг билан бирга Зулфия, Темур Фаттоҳ, Амин Умарий, Эргаш, Ҳасан Пўлат, Зафар Диёр, Султон Жўра етилиб келарди, адабиётимизнинг навбатдаги авлоди пайдо бўла бошлаган пайтлар эди».

Шоирнинг кенжа синглиси Инобатхон шундай эслайди: «Мен акамнинг девонаси эдим. Онамизни жуда ҳам яхши кўрардилар, ниҳоятда яхши кўрганларидан опа-инилардек сансираб сўзлашишарди. «Аяжон, бунча ҳам яхши бўлмасанг, яхши гапни кўз ёш билан, ёмон гапни кулгу билан изҳор қиласан-а! Менинг кўзларимга қара, мен сени уялтирадиган ўғил эмасман, биттаман, аммо биракайман-а». Бу аламли сўз онамнинг юрагидан узоқ кетмади. Айниқса, урушда ҳалок бўлган амакимизнинг кўкрак чўнтакларидан чиққан суратлари жуда ҳам енгиб қўйди...»

Бу хотиралар оддий оилавий хотиралар эмас, йўқ, бу хотиралар шоирнинг, ҳақиқий шоирнинг, ноҳақлик йиллари қурбонларидан бирининг хотираси! Тупроғи йироқларда қолган бетакрор шоирнинг ёди! Кеча, унинг қабридан олиб келинган тупроқни, жонажонлари ёнига, қаламкаш дўстлари ётган қабристонга, Форобий (Чиғатой) қабристонига кўмдик. Қабр тошига, ўзи бу ерда бўлмаса ҳам, «Усмон Носир шу ерда ётипти, у 1912 йилда туғилган эди, 1944 йили ҳалок бўлди», деб ёзиб қўйдик. Ҳалок бўлганида йиғлолмаган кўзларимиздан ёшларимиз энди, 44 йилдан кейин тўкилди...



У Наманганда туғилди, Қўқонда интернатда катта бўлди, Самарқандда ўқиди, Тошкентда адабий таҳсил кўрди. Ўша кунлари биринчи ўзбек совет адабиёти камолини кузатди, унга эргашди. «Яша, Шўро», «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз», «Кўкан батрак», «Онамга хат», «Темирчи Жўра», «Жонтемир», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Зайнаб ва Омон»лар қаторига ўзининг «Нахшон»ини қўйди ва ҳақли равишда бу устозлар қаторига кирди. Фақат «Нахшон»гинамас, унинг «Қуёш билан суҳбат», «Сафарбар сатрлар», «Тракторобод», «Юрак», «Меҳрим» номли бешала китоби ҳам адабиётимиз силсиласида, ана шу санаганимиз асарлар қаторида ўлмас намуналар бўлиб қолди.

Усмон Носир мисралари сизни кўриши билан жонланади, қалби урабошлайди, у худди бугун ёзилган сингари сизни ҳаяжонга солади, ҳаёт ҳақида, бугунги муаммолар ҳақида, инсон ва унинг тақдири ҳақида сиз билан баҳслашади. Ўзининг ақл-заковати билан сизни ўртаб юборади, идрок, фалсафаси билан юксак чўққиларга етаклайди, қайноқ мисралари, тенгсиз образлари беғубор, тоза, нафис муҳаббат чашмаларига чўмилтиради, ҳиссингизни сарин еллар билан ювади. Бу мисралар, бу шеърлар, бу достонлар шеърият дурдоналари билан бўйлашмоққа интиладилар, улар оқимини, улар қўшиғини, улар товланишларини, улар ҳаяжони ва ҳасратларини, улар кулгуси ва қаҳқаҳасини эслатадилар. Йўқ, сиз ундай деб ўйламанг, йўқ-йўқ, бу мисралар янги кашф этилган мисралар ва янгидан кашф этилган бадиий топилмалардирким, санъатнинг, ҳақиқий санъатнинг ҳаққоний қаторига интиладилар!

Сиз озгина бўлса ҳам қулоқ беринг, амин бўласиз, севиб қоласиз! «Боғларга намозгар салқини тушди, гуллар нам баргини қаюрди аста, офтоб ҳам сув ичар тоғлардан пастда, лоладек қипқизил ўт, шафақ ўчди...», «Бир фаришта мовий самодан олтин қанот қоқиб ўтарди. Ул гуноҳкор жонни дунёдан кучоғида олиб кетарди...» Бу ҳар иккала тўртлик Усмон Носир қаламига мансуб; аммо муаллифлари бошқа-бошқа. Бири Усмон Носир, иккинчиси Лермонтов. Мен буларнинг бир-бировларига ўхшашини эмас, бир-бировлари билан баҳслашишларини, шеърий қудратда бир-бирларидан кам эмасликларини айтмоқчиман. Зотан, иккалови ҳам жаҳолат қурбони бўлган, иккалови ҳам деярлик бир ёшда шеъриятдан кетган, ҳалок бўлган. Усмон Лермонтовни таржима қилар экан, унинг мисраларида ўзининг дард-аламларини топган, тортган. Шу сабабдан у мисралар бир-бирларини топган. Агар сиз бу ҳар иккала шоирнинг китобларига кўз солсангиз, лоақал «Нахшон» билан «Демон»га қулоқ солсангиз, айнан бир муаллифнинг, бир даражадаги икки муаллифнинг бир дардини англаб оласиз, санъатда ҳам, маҳоратда ҳам бир-бирлари билан гўзал баҳслашадиган икки дўст, қадрдон шеърхонларнинг овозларини эшитасиз, қойил қоласиз, ҳайратга тушасиз.

Шеъриятда бошқаларнинг сингари унинг ёш шоирлиги бўлмаган, шеъриятга бирдан кириб келган етук мисралар билан ва шундай яшин тезлигида чиқиб кетган. У бепоён билим эгаси эди, бизни десак (адабиётга энди кириб келаётган пайтимиз эди), Ғафур Ғулом, Уйғунлар ҳам тан беришарди, қачон, қаерда, қандай ўқиб, билиб улгурди шунча нарсани. Ҳамза биларди уни, Ойбек, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар билишарди.

Шеърият ғоят сирли олам. Унда ким қайси йўлда кетмоқда, билса бўлар, аммо қандай кетаётганини билиб бўлмас. Уни шоирнинг ўзи ҳам билмайди. Шеърият бу, ҳақиқатан ҳам ўзига хос, бетакрор санъат, унинг ўхшаши бўлмайди. Мен жуда кўп атоқли мусаввирлар ижодини, санъатини, ишини кузатиб ҳайратланганман. Ҳамма сир мана шу ҳайратда, қойил қолишда, таъсир кучида, тасаввурда бўлса керак. Усмон Носир санъати, назаримда, шунақа санъат, халқона айтганда, туғма санъат эди! У Ватан, замон, тузум ҳақида сиёсий лирикалар ёзди. Ленин ҳақидаги асарлари ўхшаши йўқлиги билан ажралиб турарди. У буюк инсон ва революционер даҳосини теран куйлади. Доҳий вафоти куни ҳақида «Етимлар, Горкида Ленин вафот этди, баёнига шеър тор келмоқда, мен уни дилимга кўмдим», деб марсия битганида, шеъриятда ҳали бу теран мисралар, бу самимий бадиий образлар йўқ эди!

У шундай шоир эди, юртимизнинг шеърият санъатидаги бетакрор саодати, ифтихори эди.

Усмон Носир Ватанини, замонини тўйиб куйлолмай кетди. Уни юртимизни кўролмаганлар кўролмадилар. Чўлпонни, Абдулла Қодирий, Фитратни олиб кетгандек бераҳмона олиб кетдилар.

Жонажон Ватанига, севимли халқига, оташин қаламига ҳеч қайда йўқ эркинлик, озодлик, тенглик бахш этган Коммунистик партияни, буюк Ленинни, Советлар давлатини бир умр куйлаб ўтишга туғилган, унинг покиза ғояси ва идеалига чуқур садоқатли бўлган катта иқтидор эгаси Усмон Носир ноҳақдан-ноҳақ ҳақоратланди ва ҳалок бўлди.

Мангуликка дахлдор шоирнинг руҳига шарафлар бўлсин!

Туроб ТЎЛА,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

• Номерга хабар

«ОРОЛ—88»: ЭКСПЕДИЦИЯ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Аввал хабар берилганидек, Орол денгизи ҳавзасида «Орол—88» комплекс экспедицияси ишламоқда. Бу экспедицияни «Новий мир» ва «Памир» журналлари Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети, СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ҳамда СССР Халқ таълими давлат комитети билан биргаликда ўтказмоқда. Унинг составида журналистлар, ёзувчилар, экологлар, гидрологлар, иқтисодчилар, психологлар бор. Улар Орол қуриб бораётганлиги натижасида экологик муҳитнинг оғирлашуви туфайли пайдо бўлаётган сиёсий, иқтисодий социал-демографик ва маданий оқибатларни тадқиқ этишмоқда.

Тожикистонда бошланиб, Қирғизистонда ва Ўзбекистоннинг қатор областларида давом этган экспедиция 17 сентябрь куни Тошкентга келди. ЎзТАГ мухбири И. Ҳисомов адабий танқидчи, Оролни қутқариш комитетининг раиси, экспедицияда қатнашаётган П. ШЕРМУҲАМЕДОВ билан суҳбатлашди.

— Пирмат Шермуҳамедович, СССРда қарийб бир ярим йилдан бери Орол денгизи бўйича ҳукумат комиссияси ишлаб турибди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси яқинда бу масалани муҳокама қилди. Муҳим қарорлар қабул этилди. Жуда катта маблағ ажратилмоқда. Оролни қутқаришга Иттифоқ ва республикаларнинг кўплаб йирик ташкилотлари жалб этилган. Шу масалада жамоатчиликнинг роли қандай? Жумладан, ҳозирги экспедиция аниқ бир ишни қила олиши мумкинми?

— Биринчидан, хусусан жамоатчилик, ёзувчилар, олимлар, журналистлар мамлакатнинг бутун диққат-эътиборини экологик муаммоларга, шу жумладан, Орол фожиасига қатъиян жалб этди. Иккинчидан, мазкур экспедиция давомида бу соҳада ўрганилмаган ишлар жуда кўп эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Газеталар ҳамда журналларда қанчадан-қанча гаплар айтилди, қанчадан-қанча илмий ишлар ва мақолалар ёзилди. Лекин ҳалигача муаммоларнинг миқёсларини етарли даражада билмаймиз. Турли республикалар ва областларда қанча сув сарфланаётганлиги ҳақидаги маълумотлар бир-бирига қарама-қарши. Чунончи, Тожикистонда бир рақамни айтишса, Ўзбекистонда бошқасини айтишади. Қирғизистонда эса бутунлай ўзгача бўлади. Нормал ҳисоб-китоб бўлмаганидан кейин қандайдир программаларни амалга ошириш, миллиард-миллиард сўм сарфлаш мумкинми, ахир?

Каналларда сув исроф бўлишини ўрганиш «Орол-88» экспедициясининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Унинг қатнашчилари Сирдарё ва Амударёнинг бутун оқими бўйлаб бормоқдалар. Мутахассислар сувни, тупроқни, ҳавони анализ қилишмоқда. Публицистлар социал-иқтисодий муаммолар билан қизиқишмоқда. Кўпгина шаҳарларда меҳнаткашлар, раҳбарлар билан учрашувлар бўлмоқда.

— Экспедиция неча кун давом этади?

— Икки ойдан ошади. Октябрнинг охирларида тугалланади. Кўриб турибсизки, бу мислсиз экспедициядир. Экспедиция натижасида аҳволнинг бирмунча тўла манзараси намоён бўлади, муаммоларни ҳал этиш йўллари аниқланади, деб ўйлайман.

— Экспедициянинг маршрути қандай?

— Бутун Ўрта Осиё теварагини айланиб чиқсак керак. Экспедиция аввалига Сирдарё оқими бўйлаб Орол денгизигача боради, сўнг Амударёдан орқага, унинг манбаигача борилади. Экспедиция ўзи бошланган жой — Душанбе шаҳрида тугалланади. Қизиғи шундаки, экспедиция қатнашчилари йўлнинг каттагина қисмини Латвиянинг Елгава шаҳридаги «РАФ» заводи бажонидил тақдим этган тўртта микроавтобусда босиб ўтадилар.

— Сиз Тожикистон ва Қирғизистонда, Ўрта Осиёнинг буюк дарёлари манбаларида бўлдингиз. Ўйлаш учун анчагина маълумотлар тўплаган бўлсангиз керак? Дарвоқе, ёз фаслида мен Душанбеда, Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарларининг ижодий зиёлилар билан учрашувида қатнашишга муяссар бўлган эдим. Республикаларимиз ўртасидаги интернационал алоқалар гуманитар соҳадагина эмас, балки аввало, умумий регионал муаммоларни ҳал этишда ҳам намоён бўлиши, бунинг учун куч-ғайратларни бирлаштириш керак, деган гаплар ёдимда сақланиб қолган. Агар Федченко музлигига шикаст етадиган бўлса, Орол ҳам жабрланади-ку?

— Худди шундай. Бу ўринда олимлар, сувчилар, хўжалик ходимларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш, айниқса, зарур. Акс ҳолда муаммони ҳал этиш мумкин эмас. Биз Муксу водийси узра, Федченко музлиги, Коммунизм чўққиси районлари узра вертолётда учдик. Зарафшон дарёси манбаларида бўлдик. Бу дарё ҳам ифлосланганлиги ва шўрланганини кўрдик, у тобора кичрайиб бормоқда. Помирнинг бошқа ҳавзаларида ҳам худди шу манзарани кўрдик. Демак, Орол хусусидаги масалалар комплексига юзлаб километр масофада жойлашган музликларни сақлаш билан боғлиқ вазифалар ҳам киритилиши керак.

— Ҳозир колхозлар, совхозлар, саноат корхоналари сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни жорий этиш ҳақидаги масала муҳокама қилинмоқда. Шу ҳақда экспедиция аъзолари қандай фикрдалар?

— Ҳозирча бир фикрга келганимиз йўқ.

— Сизнинг шахсий фикрингиз-чи?

— Жорий этиш керак. Бўлмаса, ҳозир жуда зарур бўлган сувни иқтисод қилишнинг қатъий режимига эришолмаймиз.

— Экспедиция составида Обь ва Иртиш дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш планларига қаттиқ қаршилик кўрсатаётган публицистлар бор. Уларнинг мазкур экспедициядаги иштироки регионимиз муаммолари бу ижодкорларга яқинлигини кўрсатиб турибди. Улар ана шу муаммоларни ҳал этишга чин дилдан ёрдам беришни хоҳлайдилар. Лекин сиз, шундай бўлса ҳам, уларнинг тутган йўлини қўллаб-қувватлайсизми?

— Ҳа. Ҳозирча бу масалани кун тартибига қўяётганимиз йўқ. Сувдан оқилона фойдаланиш муҳим вазифадир. Бу борада жуда катта резервлар бор. Агар ишларни оқилона юритсак, сув хўжалик эҳтиёжлари учун ҳам, Оролни қутқариш учун ҳам етади.

— Шубҳасиз етади. Лекин аҳоли сони жуда тез кўпайиб бормоқда. Қимматга тушадиган ҳамда узоқ давом этадиган чора-тадбирлар натижасида тежалган сув регионнинг нормал ривожланиши учун 15-20 йилга етади, дейлик. Хўш, кейин нима бўлади?

— Биз Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга оқизиш масаласига қайтамиз, деб ўйламан. Аслини олганда, бу масала ҳозир ҳам кун тартибида турибди. Лекин бу масалани ҳал этишнинг бирдан-бир йўли эканлиги ва муқаррар экологик оқибатлар рўй бермаслиги исботланмаган экан, бундай катта ишга киришиб бўлмайди.

— Фурсатдан фойдаланиб, Оролни қутқариш комитети фаолияти ҳақида сўрамоқчи эдим. Сизларда қандай янгиликлар бор?

— Республика ҳукумати Орол денгизининг қуриши натижасида қаттиқ жабрланган Мўйноқ районида оналар ва болалар учун шифохона қурилишига 5 миллион сўм ажратганлиги куни кеча маълум бўлди. Қурилиш отрядлари Орол бўйидаги ана шу ва шунга ўхшаш соғлиқни сақлаш объектларини қуриб бериши ҳақида комсомол билан келишиб олдик.

— Шундай қилиб, сизлар, Оролни қутқарасизларми ёки одамларни экологик оқибатлардан сақлаб қоласизларми?

— Агар Орол бўйи аҳолисига нормал яшаш учун шарт-шароит яратмас эканмиз, унда денгизни ким ҳам қутқариб қоларди, дейсиз? Иккинчидан, биз фақат шу масала билангина шуғулланаётганимиз йўқ. Чунончи, шу йил ёзда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентлари ёрдамида «Жайҳун» операциясини ўтказдик: Чоржўйдан Туямўйингача Амударё бўйлаб бордик. Якка хўжаликларга ва колхозларга сув чиқариб бераётган 20 дан ортиқ «яширин» насосни аниқладик. Бу исрофгарчилик манбаини тугатишда ёрдамлашдик.

— Экспедиция ҳақида гаплашайлик. Унинг Тошкентдаги программаси қандай?

— Чорвоқ сув омборига сафар қилинади, Чирчиқ дарёси кўздан кечирилади, партия ходимлари, олимлар, ижодкор зиёлилар, меҳнаткашлар билан учрашувлар бўлади. Эҳтимол, Орол денгизини қутқариш армиясига янгидан-янги минглаб жангчиларни жалб этиш экспедициянинг олий мақсади бўлиб қолар...

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

◆ ОЛИМПИАДА:

ЧЕМПИОН ШАРАФЛАНДИ

Жанубий Корея пойтахтида ёзги Олимпиада мусобақалари қизғин давом этмоқда. Зеро, миллионлаб мухлислар спорт анжуманининг тантанали очилиш маросими ҳақидаги таассуротлар билан юрибдилар. Айниқса, Олимпиада машъаласининг аланга олдирилишидаги ўзига хослик ҳамда 32 нафар парашютчининг беш туташ ҳалқа шаклида стадионга тушишлари диққатга сазовор бўлди. Аммо, ўтган дам олиш кунидан бошлаб ҳар бир спортчи медаллар учун курашиш, ўз мамлакати спорт шарафини улуғлашга астойдил киришди.

Совет спортчилари орасида ҳам дастлабки Олимпиада чемпиони маълум бўлди. Гродно шаҳрида маҳорат оширган Ирина Шилова 10 метрлик масофада пневматик милтиқдан нишонга олишни ўрнига қўйиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Чемпионни шарафлаш маросимида илк марта Совет Иттифоқи гимни садолари таралди. Мерганлик бўйича эркаклар ўртасида баҳслашган Игорь Басинский ҳам Гродно шаҳридан. У тўппончадан ўқ узишда Олимпиаданинг бронза медали совриндори бўлди.

Чим хоккей бўйича терма командамиз ҳам учрашувни муваффақиятли бошлади. Вакилларимиз биринчи учрашувни Ҳиндистон командаси билан ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Маълумки, терма командамиз составида андижонлик Игорь Давидов билан фарғоналик Николай Санковецлар ҳам иштирок этишмоқда. Шунингдек, Покистон, ГФР, Голландия, Австралия хоккейчилари ҳам дастлабки ғалабани қўлга киритдилар.

Футболчиларимиз биринчи ўйинда Жанубий Корея командаси билан майдонга тушдилар. Учрашувда дарвозалар дахлсиз қолди. Австралия футболчилари Югославия командаси дарвозасига битта тўп киритишди. Бразилия командаси эса Нигерия футболчиларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. АҚШ—Аргентина учрашуви 1:1 ҳисобида тугади. Баскетболчиларимиз Югославия коллективи билан ўйнаб (79:92), имкониятни бой беришди. Волейболчиларимиз эса Болгария командасидан 3:0 ҳисобида устун келишди. Оғир атлетикачилар баҳсида 52 килограммгача бўлган вазндаги спортчилар ўзаро курашдилар. Бунда болгариялик С. Маринов икки курашда 270 килограммлик натижа билан ғалаба қозонди. У даст кўтаришда 120 килограммли натижага эришиб, жаҳон рекордини ўрнатди.

Сувга сакраш мусобақаларида совринли ўринлар учун кураш СССР, АҚШ ва ХХР спортчилари ўртасида давом этди. Хитойлик С. Яньмэй ғалаба қозонди. М. Митчелл эса АҚШ спортчилари ўртасида иккинчи бўлди. Совет спортчиларидан Анжела Стасюлевич тўртинчи ўринни эгаллаган бўлса, унинг командадоши Елена Мирошина олтинчи бўлди. 100 километрга велосипед пойгасида ҳам спортчиларимизнинг омади юришмади. ГДР пойгачилари маррада биринчи бўлишди. Совет спортчилари эса еттинчи ўрин билан кифояландилар. Спорт гимнастикаси бўйича йигитлар баҳсида вакилларимиз мажбурий программали чиқишлардан кейин олдинда боришмоқда. Бугун Олимпиада мусобақаларида спортчилар яна тўққиз комплект медаль учун курашни давом эттирадилар.

Ҳ. НОСИРОВ.

◆ ФУТБОЛ:

ДАЪВОГАРЛАР

Бугун биринчи лига коллективлари 34-тур ўйинларини ўтказиш учун майдонга тушишади. Ставрополь ва Ланчхути шаҳарларидаги учрашувлар мухлисларнинг диққат-марказида бўлиши, табиий. Пешқадамлар сафида бораётган Ставрополь динамочилари «Ротор», «Гурия» эса Тошкентнинг «Пахтакор» командасини қабул қилишади. Шу баҳслар олий лига йўлланмаларига даъвогарлик қилаётган командалар мавқеини янада яхшилаши мумкин.

Шанба кунги учрашувлар ҳам ғоят қизиқарли бўлди. Биринчи ўринда келаётган «Помир» футболчилари «Гурия»дан 0:1 ҳисобида енгилишди. Москва армиячилари эса ўз майдонларида «Звезда» билан учрашувни 1:1 ҳисобида якунлашди. Ставрополь динамочилари эса Ростов армиячиларини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Умуман 11 учрашувда дарвозаларга 19 та тўп киритилди.

Олий лигага йўлланма олиш учун интилаётган Ўзбекистон футболчиларининг Ботуми «Динамо» командаси билан баҳсида омад пахтакорчиларга кулиб боқди. Ўйиннинг биринчи ярмида меҳмонларнинг устунлиги яққол сезилди. Улар ҳимояни ўрнига қўйиб, қарши ҳужумга дадил ўтишди. Ҳар бир чизиқдаги ўйинчилар фаоллик кўрсатишди. Натижада мезбонлар дарвозаси икки бор ишғол этилди. Ҳужумчи А. Абдураимов икки тўпни ўз ҳисобига ёзиб қўйди. Иккинчи бўлимда эса ҳисоб ўзгармай қолди. Тошкентлик футболчилар яна икки очкони қўлга киритиб, иккинчи ўринга чиқиб олдилар.

Қолган учрашувлар натижалари қуйидагича бўлди: «Кузбасс» — «Геолог» — 1:0, «Спартак» — «Ротор» — 1:0, «Шинник» — «Даугава» — 1:0, «Таврия» — «Карпати» — 1:0, «Заря» — «Котайк» — 1:1, «Ростсельмаш» — «Кубань» — 1:1, «Металлург» — «Колос» — 0:1

Навбатдаги тур олдидан «Помир» 48 очко билан биринчи, пахтакорчилар 40 очко билан иккинчи, «Ротор» ва «Динамо» (Ст) 38 очко билан учинчи-тўртинчи ўринда боришаётир. Москва армиячилари ва «Гурия» ҳисобида 37 тадан очко бор.

Ҳ. СУЛТОНОВ.

Фольклор асарлари

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг фольклор асарлари фондида қирққа яқин бахшиларнинг ҳаёти ва ижодига оид қимматли материаллар мавжуд. Чунончи, Чори Хўжамберди ўғли, Ҳазратқул Худойберди ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир Раҳим ўғли, Ражаб Нормурод ўғли, Юсуф Ўтаган ўғли, Ёдгор бахши Исҳоқов каби халқ бахшилари репертуарларидан тортиб, саккиз жанр бўйича минглаб халқ эртаклари, мақоллари, қўшиқлари, аскияларининг намуналари ёзиб олиниб жамланган.

Фольклор фондида машҳур ўзбек бахшиларидан ёзиб олинган ўнлаб достонлар ҳам бор. Бу достонларнинг кўпчилиги ягона нусхада эканлиги билан қимматлидир. Бу ерда Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўз қўли билан ёзилган «Ўртоқ Ленин» достонининг ягона дастхат нусхаси ҳам сақланмоқда. Шунингдек, фольклоршунос олимлардан Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Охунжон Собиров, Музайяна Алавиянинг шахсий архивлари фондни янада бойитган. Бу ердаги мавжуд ҳужжатлар олимлар томонидан чуқур ўрганилиб, нашр этишга тайёрланмоқда.

Б. ВАЛИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• Тингланг, томоша қилинг

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 9.35 — Ҳужжатли фильмлар. 9.55 — Янгиликлар. 11.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.30 — Янгиликлар. 15.40 — «Экран» ижодий уюшмаси намойиш этади. 16.30 — Татар халқ куйлари. 16.55 — Иқтисодий билимлар асослари. 17.25 — Катталар учун мультфильмлар. 17.50 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Дунё воқеалари. 19.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 00. 45 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05 —

20 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

Француз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — География. 12.05 — Француз тили. 13.05 — «Қайтадан бошла». Бадиий фильм. 14.15 — Ҳужжатли фильмлар. 14.55 ва 18.10 — Янгиликлар. 18.20 — Ритмик гимнастика. 18.50 — Дин Рид ҳаётда ва қўшиқда. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.15 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Бўри уяси». Бадиий фильм. 1-серия. 23.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.30 — «Дарё ортида, олис қишлоқда». Бадиий фильм. 16.45 — Физика. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Эстетика асослари. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Давлат манфаати. 18.55 — Мультфильм. 19.05 — Теленовеллалар театри. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Ерга қайтиш. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — Хирмонингизга барака! 22.10 — «Йўлдаги курашлар». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 — Ёшлик. 19.35 — Телефильм. 19.45 — Арманистон эстрадаси артистлари иштирокида концерт. 20.25 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. **Фрунзе.** 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 22.00 — «Ҳосил-88». 22.10 — «Тўлов». Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — У. Носир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.45 — Сизнинг бўш вақтингиз. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Китоблар оламида. 12.50 — Куйлардан куйларга. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — «Самоцвети» ансамбли ижро этади. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Гулдаста. 15.50 — Врач маслаҳати. 18.15 — Ҳозирги босқичда ғоявий кураш. 18.30 — Замон садоси. 19.20 — Кекса ижрочилар концерти. 19.50 — Халқаро кундалик. 20.15 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинларида. 21.00 — Қармоқ. 21.20 — Қишлоқ оқшомлари. 22.45 — Ж. Раҳимов куйлайди. 23.00 — Футбол. «Гурия» — «Пахтакор»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

РСФСР халқ артисти, масхарабоз Май — ЕВГЕНИЙ МАЙХРОВСКИЙ масхарабозлар группаси иштирокида

«Ёрқин давра аренаси»

ЦИРК СПЕКТАКЛИ

НОМЕР ПРОГРАММАСИДА:

РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис МАНЖЕЛИ раҳбарлигидаги «ЎРГАТИЛГАН ОТЛАР».

Валерий ВЛАДИМИРОВ раҳбарлигидаги — «АКРОБАТЛАР БАТУТДА».

Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати Анжелина МАНАСТИРСКАЯ ижросида «ИЛЛЮЗИОН МИНИАТЮРАЛАР»

Анатолий ГУРОВ, Лариса ва Андрей ОБОЛЕНСКИЙлар ижросида «Музикали буффонада»

Лайма БЕРЕЙШИТЕ ижросида «ОТДА ЮРИШ ОЛИЙ МАКТАБИ».

Томошаларда ўргатилган ҳайвонлар: КАПТАРЛАР, ЎРДАКЛАР, ҒОЗЛАР, ИТЛАР, ОТЛАР, МУШУКЛАР иштирок этади.

ТОМОШАЛАР 19.30 да; шанба кунлари — 16, 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойларида яшовчи томошабинларнинг заявкалари навбатдан ташқари инобатга олинади.

Касса дам олиш кунлари сиз ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-81, 44-28-04, 44-35-84.

●

«ЎЗБЕКГАЗ» газ хўжалигидан фойдаланиш ва газ тармоқларини қуриш республика бошқармаси

бошқарма бошлиғи

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда махсус олий маълумотга, газ тармоқларида камида 10 йиллик амалий иш тажрибасига, раҳбарлик вазифаларида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган, ишлаб чиқариш экономикасини яхши биладиган, хўжалик юритишнинг замонавий методларидан хабардор ҳамда ёши 50 дан ошмаган кишилар қатнашишлари мумкин.

Конкурсда қатнашишга заявка бериш учун қуйидаги ҳужжатлар тавсия қилинади: ариза, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, маълумоти тўғрисидаги дипломдан бир нусха, охирги иш жойидан характеристика.

Конкурсга аризаларни бериш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб икки ҳафта.

Аризалар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 41-«а» уй.

Справкалар учун телефон: 55-49-70.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/IX да **Риголетто** (19.00), 21/IX да **Оққуш кўли**, 22/IX да **Оловли фаришта.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/IX да **Зўлдир.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IX да **Чернобиль алангаси** (19.00), 21/IX да **Парвона** (19.00).

Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети коллективи республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1924 йилдан КПСС аъзоси


Акром АҲМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Редактор **Л. ҚАЮМОВ.**

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.